O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2007 йил 27 декабрь, № 255 (4408) Пайшанба

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ САЙЛАНГАНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАБРИКЛАР

Мамлакатимизда 2007 йил 23 декабрь куни бўлиб ўтган сайлов муносабати билан Президент Ислом Каримов номига табрик қўнғироқлари ва телеграммалари келмоқда.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 2007 йил 24 декабрда бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни юксак давлат раҳбари лавозимига сайлангани муносабати билан табриклади ва унга ҳамда Ўзбекистон халқига муваффақиятлар, тинчлик-хотиржамлик ва фаровонлик тилади.

Шунингдек, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон, Украина Президенти Виктор Юшченко ҳам телефон орқали мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси Президентига самимий табрик ва эзгу тилакларини изҳор этдилар.

Ўзбекистон раҳбари номига Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаодан келган табрик телеграммасида бундай дейилган:

*«Ўзбекистон Республикаси Президенти*
*Ислом Каримов Жаноби Олийларига*
*Жаноби Олийлари,*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганингиз муносабати билан Сизга ўзимнинг самимий табрик ва истакларимни йўллашдан мамнунман.*

*Хитой ва Ўзбекистон яхши қўшнилар бўлиб, мамлакатларимиз халқларини анъанавий дўстлик ришталари боғлаб туради. Дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён ўтган ўн беш йил мобайнида ҳар икки томоннинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ҳурмат, ишонч, тенг ҳуқуқли, манфаатли ва дўстона ҳамкорлик ҳамда шериклик муносабатлари ўрнатилди.*

*Мамлакатларимиз сиёсат, иқтисодиёт, савдо, энергетика, хавфсизлик, гуманитар ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини изчил кенгайтирмоқда ва салмоқли ютуқларга эришмоқда. Давлатларимиз БМТ, ШҲТ ва бошқа кўп томонлама ташкилотлар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.*

*Кейинги йилларда Ўзбекистонда сиёсий барқарорлик мустаҳкамланаётгани, иқтисодиётнинг изчил ривожланиши давом этаётгани, аҳолининг турмуш даражаси тобора ортиб, мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузи муттасил юксалиб бораётгани бизни қувонтиради. Ишончим комилки, Ўзбекистон халқи Сизнинг раҳнамолигингизда ўзининг буюк давлатини барпо этиш йўлида янада улкан муваффақиятларга албатта эришади.*

*Хитой Ўзбекистон халқи ўзи танлаган изчил тараққиёт йўлини юксак қадрлайди, мамлакатингизнинг давлат мустақиллиги, суверенитети ва хавфсизлигини ҳимоя қилишга, иқтисодий ривожланишга қаратилган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди.*

*Мен, Сиз билан биргаликда, Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги шериклик муносабатларини, дўстлик ва ҳамкорликни янги даражага кўтариш учун келгусида ҳам ўзаро ишонч ва дўстликни, турли соҳаларда амалий ҳамкорликни мустаҳкамлашга тайёрман.*

*Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва ғоят масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.*

*Мамлакатингизга куч-қудрат ва равнақ, халқингизга эса бахт-саодат ва фаровонлик тилайман».*

Миср Араб Республикаси Президенти Ҳусний Муборак, Туркия Республикаси Президенти Абдуллоҳ Гул, Эрон Ислом Республикаси Президенти Маҳмуд Аҳмадинежад, Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов, Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти Нгуен Минь Чиэтдан ҳам табрик телеграммалари келди.

Табрикномалар келиши давом этмоқда.

## ТЕРМИЗ ГИЛАМЛАРИ




**Термиз шаҳридаги "СП Технотекс" Ўзбекистон — Украина қўшма корхонасида 26 киши ишлайди. Уларнинг барчаси ёш мутахассислар. Хориждан олиб келинган технология ёрдамида бу ерда қалин гилам тўқиляпти.**

Тўқув цехидан Марзия Бойназарова, Марҳабо Шокирова, тайёрлов цехидан Саодат Бўриева, Гулчеҳра Мамаражабова бу ҳунарни болаликда оналаридан ўрганишган. Арқон, калава, кузувдан ўрмак айлантиришган. Эндиликда улар минг битта мурвати бир маромда ишлайдиган мураккаб дастгоҳларни ҳам бошқаришмоқда. Кунига 150-200 квадрат метр сифатли, бозорбоп маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Фаолияти шу йил бошланган корхона маъмурияти маҳсулотни маҳаллий хом ашё ҳисобига тайёрлаш тадбирларини кўрмоқда.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

СУРАТДА: моҳир тўқувчи Марзия Бойназарова.

**Жамшид НОРҚОБИЛОВ олган сурат.**

## САЙЛОВ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК, ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР ВА ХАЛҚАРО НОРМАЛАР АСОСИДА ЎТДИ

***Мамлакатимизда шу йил 23 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнларини қатор халқаро ташкилотлар ва 30 дан ортиқ хорижий мамлакатдан келган 300 га яқин кузатувчи бевосита кузатиб борди.***

***Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлиб, мамлакатимиз сайлов тизими, Президент сайловига тайёргарлик, бевосита сайлов жараёнидан олган таассуротлари ҳақидаги фикрларини баён қилишини сўради.***

***Қуйида халқаро кузатувчиларнинг фикрлари билан танишасиз.***

### Сўз — халқаро кузатувчиларга

**Тецуджи ТАНАКА, Марказий Осиё ва Кавказ давлатларини ўрганиш институтининг ижрочи директори (Япония):**

— Мен борган барча сайлов участкаларида сайловчиларнинг фаоллиги, айниқса, биринчи марта овоз бераётганларнинг кўтаринки кайфиятини кўрдим. Овоз берувчиларнинг фаоллиги ва сайловнинг барча демократик тамойилларга амал қилинган ҳолда ўтгани менга жуда маъқул бўлди.

Энг муҳими, ташвиқот кампанияси ҳам, сайлов жараёни ҳам ўзбекларга хос одоб-ахлоқ меъёрлари доирасида ўтди. Ўзбекистондаги сайлов жараёни ривожланган демократик давлатлар сайлов тизимидан асло қолишмайди. Лекин юртингизда, айрим давлатларда бўлгани каби, овоз кетидан қувиб, шарм-ҳаёни, одамгарчиликни унутиш, ур-тўполону гуруҳбозликларни кўрмадим. Сайловга доир барча ишлар ўзбекона бағрикенглик ва донишмандлик билан амалга оширилди. Шарқ халқларига хос ўзаро иззат-ҳурмат, оғир-босиқлик сайловчиларнинг эркин фикрлашида муҳим омил бўлди, деб ўйлайман. Шу боис, сайлов тинч ва осойишта ўтгани мени жуда қувонтирди. Демократияни шаллақилик, ур-йиқит ва митингбозликдан иборат иш, деб жуда жўн тушунадиганлар учун бундай ўзига хослик ғайритабиийй туюлиши ҳам мумкин. Лекин жаҳон аҳли айрим мамлакатларда сайловларда уюштириладиган бузғунчиликдан иборат талатўплар замирида ва ортида қандай ғайир мақсадлар ва қандай кучлар турганини бугун яхши англаб етмоқда.

Мутахассис сифатида Ўзбекистон иқтисодиёт, сиёсат ва маданият — барча соҳаларда эришаётган улкан ютуқлар Марказий Осиёда барқарорликни таъминлашда жуда муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

* * *

**Нур Жазлан МУҲАМЕД, "Телеком Малайзия Берхад" компанияси директори, Малайзия парламенти аъзоси:**

— Мен халқаро кузатувчи сифатида юртингизда Президент сайловини уюшқоқлик билан ўтказишга жиддий тайёргарлик кўрилганига гувоҳ бўлдим. Тошкент аэропортидаёқ сайлов, номзодларнинг таржимаи ҳоли ва дастурлари ҳақидаги ранг-баранг плакат ва шиорларга кўзим тушди. Бундай тарғибот материалларини бошқа жойларда — кўчаларда, муассасаларда, ҳатто, жамоат транспорти, бекатлару савдо дўконларида ҳам учратдим. Олой бозоридан чиқиб, метрога тушсам, вагонларда ҳам шундай маълумотларга дуч келдим. Айни пайтда, мен мутахассис сифатида яна бир ҳолга эътибор бердим: оммавий ахборот воситаларида ҳам сайлов жараёни, номзодлар ўртасидаги соғлом рақобат кенг ва тенг ёритилди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида очиқликни, ошкораликни, транспарентликни ва номзодлар ўртасидаги тенгликни тўла таъминлади, дейиш учун етарлича асос бўлади.

Тошкент шаҳридан ташқари, Бухоро, Самарқанд, Хива каби шаҳарлардаги қатор сайлов участкаларида овоз бериш жараёнини бевосита кузатдим. Ўзбекистоннинг сайлов ўтказиш борасидаги тажрибасидан бошқа давлатлар ибрат олса арзийди. Йўқ, бу фақат менинг гапим, хулосам эмас. Ушбу эътирофни мен бошқа кўплаб халқаро кузатувчилардан ҳам бот-бот эшитдим.

Ўзим эса бунга нисбатан чеккароқ ҳудудлар, қишлоқ ва овуллардаги сайлов участкаларида яратилган шарт-шароитларни ўз кўзим билан кўриб, сайловчилар билан бевосита суҳбатлашганимдан сўнг тўла амин бўлдим. Фуқароларнинг сайлов қонунчилиги ва номзодлар ҳақидаги тушунчаси етарли даражада. Самарқанднинг Булунғур туманидаги сайлов участкаларидан бирида биринчи марта овоз берган бир йигит ва қиз билан суҳбатлашдим. Улар ҳамма саволларимга очиқ-ойдин ва мамнуният билан жавоб бердилар. Ўзлари муносиб топган номзодларга овоз берганини айтдилар.

Диққатимни тортган яна бир жиҳат — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини бевосита кузатиб борган деярли барча халқаро ташкилотлар миссиялари вакиллари, хорижий оммавий ахборот воситалари томонидан сайлов очиқ, ошкора, транспарент ва адолат принципларига тўла амал қилинган ҳолда ўтгани эътироф этилди.

Мен Малайзия парламенти аъзоси, депутат, кўплаб мамлакатларда сайлов жараёнини бевосита кузатган мутахассис сифатида шуни алоҳида қайд этишни истар эдимки, 2007 йил 23 декабрда миллий қонунчилик, халқаро нормалар ва стандартлар асосида ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови легитим ва қонунийдир.

**(Давоми 2-бетда).**

### Тадбир

*Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида "Маҳсулот сифати менежменти" йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлаш — давр талаби" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.*

## СИФАТ НАЗОРАТИ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Ўзстандарт" агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда турли вазирлик ва идоралар, ташкилотлар, корхоналар вакиллари, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари, мутахассислар ва талабалар иштирок этди.

Маълумки, ҳозирги кунда маҳсулот сифати назорати дунё миқёсида долзарб масалалардан бири саналади. Шу боис ҳам бу борада юртимизда Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ("Ўзстандарт") томонидан кенг кўламли илмий-услубий ва ташкилий ишлар олиб борилмоқда. Ўз навбатида, бу тадбирлар "Маҳсулот сифати менежменти" йўналиши бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантиришни тақозо этади. Анжуманда айни масала юзасидан мавжуд муаммолар ечимига доир таклифлар ва амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар таҳлил қилинди.

— Икки йилдирки, таълим даргоҳимизда "Маҳсулот сифати менежменти" йўналиши бўйича кафедра фаолият кўрсатмоқда, — дейди ТошДТУ "Электроника ва автоматика" факультети профессори Алижон Жумабоев. — Бу ерда талабалар маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш даражасини кўтариш, сифат назоратининг техник ва методик воситаларини қўллаш ҳамда ишлаб чиқиш, метрологик таъминот каби йўналишларда таълим оладилар. Бугунги анжуманда ўқув юртларида шу каби йўналишлар фаолиятини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинмоқда.

Анжуман доирасида тадбир иштирокчиларининг «Ўзстандарт» агентлигининг ҳудудий бошқарма ва марказларидаги етакчи мутахассислар билан учрашувлари ҳам ташкил этилди.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### *Дунё оммавий ахборот воситалари:*

## «ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ЭРКИН ВА АДОЛАТЛИ БЎЛДИ»

***Дунёнинг турли нуқталарида фаолият юритадиган халқаро ахборот агентликлари, матбаа нашрлар ҳамда телеянгиликлар чиқишларида мамлакатимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари тўғрисидаги хабарлар алоҳида ўрин эгаллайди.***

***Хорижий оммавий ахборот воситалари Ўзбекистондаги Президент сайловларини мамлакатнинг узоқ муддатли изчил тараққиётини белгиловчи, ўзбек жамияти ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа, деб баҳоламоқда. Сайловларнинг дастлабки натижаларини шарҳлар экан, оммавий ахборот воситалари сайловчиларнинг овоз бериш кунидаги юксак фаоллигини, сайлов кампанияси ошкора ва яхши ташкил қилинганини қайд этаётир.***

**«Синхуа» (ХХР) ахборот агентлиги** «Ўзбекистон Президенти сайловларининг қонуний, эркин ва ошкора ҳамда миллий қонунчилик талабларига ва халқаро меъёрларга тўла мувофиқ равишда ўтганини таъкидлади. Овоз беришнинг ташкил этилиши ва ўтказилиши қонунга тўла риоя қилинган ҳолда амалга оширилдики, овозларни санаш давомида қонунбузилиш ҳолатлари аниқланмади. Сайлов тўғрисидаги қонунчилик умуммиқёсда қабул қилинган халқаро сайлов меъёрларига мувофиқ бўлгани ҳолда у сайловчиларга ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиш ва яширин овоз бериш учун зарур демократик ҳамда ҳуқуқий асосларни яратиб бергандир. Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олган барча номзодлар сайловолди ташвиқот кампаниясини ўтказишлари ҳамда сайловчиларни ўз дастурлари билан таништиришлари учун тенг имкониятларга эга бўлдилар».

Хитойда нашр этиладиган **«Вэньхойбао» газетасида** эълон қилинган мақолада И. Каримовнинг халқ ўртасида катта ишонч ва обрўга эга эканлиги таъкидланади. И. Каримовнинг ишонч билан юритган сиёсати туфайли Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ сиёсий барқарорлик, кескин иқтисодий бўҳронларни четлаб ўтиш ҳамда кейинги йиллар давомидаги салмоқли иқтисодий ўсиш таъминланди. Бу сиёсат бошқа мамлакатларнинг моделларидан кўр-кўрона нусха кўчиришни эмас, балки ўз реалликларини, шунингдек, ўзбек халқининг тарихий, анъанавий ва маданий ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда бозор иқтисодиётини ривожлантириш заруратини ифода этади. И. Каримов «фалаж этиб даволаш» кўринишидаги тажрибаларни, режасиз хусусийлаштириш ва нарх либераллаштирилишини ўтказмади. Унинг «янги уй қурмай туриб, эскисини бузма» шиори Ўзбекистонда кенг оммалашгандир.

**Туркияда чоп этиладиган «Заман» газетаси** мазкур мамлакатдаги **«Жиҳан» ахборот агентлиги**нинг Тошкентдаги мухбири Атиф Аланинг бу хусусдаги муфассал ахборот-таҳлилий мақоласини эълон қилди. Газетада таъкидланишича, сайловда халқаро кузатувчи сифатида қатнашган Ирфан Улкю 2004 йили парламент сайловлари жараёнини ҳам кузатган эди. И. Улкюнинг қайд этишича, шундан буён ўтган даврда у Ўзбекистондаги катта ўзгаришларнинг гувоҳи бўлди, ушбу мамлакатнинг сайловлар ҳақидаги қонунчилиги эса сезиларли даражада такомиллашди. Туркиялик журналистнинг алоҳида таъкидлашича, унда қарийб уч юз нафар халқаро ва 23 минг нафардан зиёд маҳаллий кузатувчиларнинг иштирок этгани сайловларнинг очиқ ва ошкоралигидан далолат беради.

**Ҳиндистоннинг «National Herald» газетаси** саҳифасида мазкур нашр муҳаррири, Ўзбекистондаги сайловларда овоз бериш куни халқаро

**(Давоми 2-бетда).**

## Дунё оммавий ахборот воситалари:

# «ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ЭРКИН ВА АДОЛАТЛИ БЎЛДИ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

кузатувчи сифатида иштирок этган Дипак Арораниг ушбу мавзуга бағишланган мақоласи газетхонлар эътиборига ҳавола қилинди. Унда муаллиф мамлакат пойтахти ҳамда республиканинг бошқа ҳудудларидаги сайлов участкаларида бўлиб ўтган овоз бериш жараёнларини ёритар экан, дунёнинг ўттиз мамлакати ва қатор халқаро ташкилотларни намоён этувчи халқаро кузатувчилар томонидан сайловлар эркин ва адолатли ўтгани эътироф этилганини алоҳида таъкидлайди.

**Германия Федератив Республикаси**да нашр этиладиган қатор газеталар, жумладан, **«Ди Вельт», «Гамбургер Моргенпост», «Фолькесцайтунг»** саҳифаларида **«ДПА» агентлиги** тарқатган ахборот материаллари чоп этилган бўлиб, уларда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари мавзуси кенг ёритилган. Хусусан, мазкур газеталар Президент Ислом Каримовнинг халқ мамлакатнинг келажаги, тинчлик ва фаровонлик учун овоз бераётгани тўғрисидаги фикрларини қаламга олган.

**Қирғизистоннинг «АКИ-Пресс» ахборот агентлиги** ўз шарҳида «сайловлар мамлакат Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги ва «Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги қонунларда белгиланган демократик меъёрлар ва тамойилларга риоя этилган ҳолда ўтгани»ни таъкидлайди. Сайлов қутиларининг очилиши ва овозларнинг ҳисобланиши чоғида хорижий давлатлардан, халқаро ташкилотлардан, сиёсий партиялар ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан кузатувчилар иштирок этди.

**Италиянинг «ANSA»** ва **«Italpress»** ахборот агентликлари тарқатган хабарларда ёзилишича, Ислом Каримов сайловчиларнинг 88,1 фоиз овозини тўплади. Бунда Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти даври мобайнида аҳоли сиёсий фаоллиги ўсганидан далолат берувчи сайловчиларнинг юксак даражадаги иштироки алоҳида қайд этилади. Сайловларда турли сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ташаббускор гуруҳидан тўрт нафар номзоднинг қатнашгани таъкидланади. Шу ўринда аҳолининг катта қисмини мусулмонлар ташкил этувчи мамлакат сайловларида аёл киши номзодининг иштирокига ва унинг сиёсий партия етакчиси эканлигига алоҳида урғу берилади.

**АҚШнинг** етакчи газеталаридан ҳисобланадиган **«Вашингтон пост» ва «Нью-Йорк Таймс» газеталари** Ўзбекистондаги овоз бериш якунларини шарҳлар экан, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда етакчи сиёсий аҳамиятга эга экани ва у муҳим стратегик ўринни эгаллашини қайд этади.

Америка нашрларининг таъкидлашича, «Ислом Каримов сайловчилар асосий кўпчилигининг овозини олдики, улар жамиятнинг тинчлиги ва истиқболи учун овоз бердилар». «Нью-Йорк Таймс»нинг баҳолашича, мамлакатдаги сиёсий барқарорлик, кўп жиҳатдан, Президент И. Каримовнинг қатъий йўналиши ва раҳбарлик услуби ҳисобига таъминланаётир.

**Британиядаги «Рейтер» агентлиги**нинг қайд этишича, «сайловда қатнашиш 16 миллион сайловчиларнинг 90,6 фоизини ташкил қилди». Агентлик, шунингдек, ўз мақоласида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг сайлов участкасида айтган фикрларини ҳам келтиради: «Ишончим комилки, фуқароларимиз нима учун овоз бераётганини билишади, одамлар эртанги кун, мамлакатнинг тинчлиги, тараққиёти ва халқ фаровонлиги учун овоз беришмоқда». Мазкур мақолада француз тилини ўрганаётган талаба С. Эргашеванинг сайлов участкасида агентлик мухбирига айтган қуйидаги сўзлари ҳам қаламга олинган – «Ислом Каримов халқимизни бирлаштирди, у мустақиллигимизнинг ибтидосида турган етакчи ҳисобланадики, шу боис, бугун бутун дунё Ўзбекистонни билади!».

Европанинг **«Евроньюс» телеканали** томонидан етти тилда эфирга узатиладиган теледастурларни жаҳоннинг барча қитъаларидаги ўн миллионлаб томошабинлар кузатиб боради. Сайлов куни «Евроньюс» ҳар ярим соатда ўз чиқишларида Ўзбекистондаги овоз беришнинг бориши ҳақидаги хабарларни телетомошабинлар эътиборига ҳавола этиб турди. Бундан ташқари, телеканалнинг интернет тармоғидаги саҳифасида «Ўзбекистон Президентни сайламоқда» сарлавҳали мақола ҳам эълон қилинди. Қатор ўзбекистонлик сайловчиларнинг фикр-мулоҳазалари келтирилгани ҳолда, мақолада Президент Ислом Каримов аҳоли ўртасида юксак даражада қўллаб-қувватланганига эътибор қаратилади. Унда, жумладан, қуйидаги сатрлар бор: «Мен Ислом Каримов учун овоз бердим. У менга ҳам ёрқин арбоб, ҳам Президент сифатида ёқади, унинг мамлакатни бошқариши ҳам менга ёқади. Бизда барча корхоналарнинг ишлаётгани, иқтисодиёт ривожланаётгани учун ундан миннатдормиз».

Шунингдек, «Евроньюс» телеканали ноёб табиий бойликларга эга бўлган мамлакат ҳудудида Марказий Осиё аҳолисининг қарийб ярми истиқомат қилишини назарда тутар экан, Ўзбекистон муҳим стратегик рол ўйнашини алоҳида таъкидлайди.

Араб дунёси оммавий ахборот воситалари — **«Ал-Иттиҳод» (БАА), «Ал-Кабас» (Кувайт), «Ал-Жазира» ва «Ал-Ватан» (Саудия Арабистони) газеталари** ҳам ўз ўқувчиларига Ўзбекистонда бўлиб ўтган сайловнинг дастлабки якунлари ҳақида маълумот тақдим этаркан, сайловчиларнинг мутлақо кўпчилиги амалдаги Президент Ислом Каримовга овоз беришганини қайд қилгани ҳолда унинг президентликка кўрсатилган бошқа номзодлар устидан ишончли ғалабага эришганини таъкидлайди. Бунда президент сайловлари қонуний, эркин ва ошкора ўтганига алоҳида эътибор қаратилади.

**Россиянинг «Интерфакс» агентлиги** ўз хабарида «сайловлар Ўзбекистон ижтимоий ҳаётини янада демократлаштиришда муҳим омил бўлгани ва у давлат барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётини акс эттиргани»ни таъкидлайди.

**Жаҳон» АА.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# САЙЛОВ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК, ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР ВА ХАЛҚАРО НОРМАЛАР АСОСИДА ЎТДИ

## Сўз — халқаро кузатувчиларга

**Тоҳир ФОРУҚ, "Иттиҳод" газетаси муҳаррири (Покистон):**

— Журналист бўлганим учун Ўзбекистондаги оммавий ахборот воситалари фаолияти, уларнинг Президент сайловидаги иштироки билан қизиқдим. Сайлов жараёни мингдан ортиқ босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида ёритилгани алоҳида эътиборга молик.

23 декабрь куни Бухоро вилоятидаги бир қатор сайлов участкаларида яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдим. Барча участкалар зарур техник воситалар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, адабиётлар билан тўла таъминланган экан. Кўча-кўйда, транспорт воситаларида, аҳоли гавжум жойларда номзодларнинг таржимаи ҳоли ва дастури акс этган ташвиқот воситаларининг кўплиги диққатимни тортди. Сайловчиларнинг айримлари билан суҳбатлашдим. Улар Президентликка номзодларнинг дастури билан яхши таниш экани, сайловда ихтиёрий равишда қатнашиб, ўзи танлаган номзод учун овоз бераётганини айтди.

Баъзи мамлакатларда сайлов кампаниясини ҳаддан ташқари шовқин-сурон, ур-йиқит, бир-бирининг устидан мағзава тўкиш, ниҳоясиз митинглар, намойишлар билан ўтказиш демократия сифатида баҳоланади. Ўзбекистонда сайлов жараёни тинч-осойишта ўтгани бу юртда шарқона қадриятлар, ўзаро ҳурмат-эҳтиром, андиша, вазминлик, инсонийлик ва бағрикенглик сингари эзгу фазилатлар барқарор эканидан далолатдир. Демократия эса, аввало, ўзгага ҳурматдан бошланади. Катта-кичик ҳурмат қилинмайдиган, қонун тан олинмайдиган, шарм-ҳаё унутилган юртда бошбошдоқлик бошланади.

Ўзбек халқи эса азалдан ўзининг юксак ақл-заковати, буюк мутафаккирлари билан машҳур. Уларнинг бугунги ворислари ўз келажагини мустақил белгилаш ва янги, мутараққий жамият барпо этишга, ўзига муносиб йўлбошчи танлашга қодир. Сайловда умумий сайловчиларнинг тўқсон фоиздан кўпроғи овоз бергани халқнинг аҳиллиги, юксак даражадаги сиёсий онги ва фаоллиги, юрт истиқболига бефарқ эмаслигидан далолатдир.

Дастлабки маълумотларга биноан, Ислом Каримовнинг салкам 90 фоиз овоз олгани эса халқингизнинг ўз Юртбошисига бўлган юксак ишончининг амалдаги яна бир ифодасидир.

Ватанимга қайтиб боргач, ўзим ишлаётган газетада Ўзбекистон ҳақида, бу ерда демократик тамойиллар асосида, очиқ-ошкора ўтказилган Президент сайлови ҳақида мақола ёзиш ниятидаман. Ўзбекистондаги тинч-осуда, эркин ва баракотли ҳаётга менинг жуда ҳавасим келди.

* * *

**Лутфилла ТЎРА, «Mobiliya» компанияси директори (АҚШ):**

— Мен даставвал сайловга тайёргарлик жараёни билан танишар эканман, оммавий ахборот воситалари томонидан ушбу жараён кенг ёритилаётганига гувоҳ бўлдим. Жамоат жойлари — маҳаллалар, мактаблар, транспорт воситалари, олий ўқув юртлари, кўчаларда ҳам энг кўринарли жойларга номзодларнинг дастурлари ва таржимаи ҳолига оид ранг-баранг тарғибот материаллари осиб қўйилганини кўрдим.

Сайлов замонавий воситалар билан жиҳозланган биноларда, батартиб, осойишта ва ўзаро ҳамжиҳатлик руҳида ўтди. Сайловчиларга ҳеч ким, ҳеч қандай таъсир ўтказмади. Нафақат ёши улуғлар, ҳатто энди 18 ёшга тўлган навқирон авлод вакиллари ҳам ўз хоҳиш-иродасини фаоллик билан эмин-эркин адо этди.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловнинг дастлабки натижалари эълон қилинди. Унга кўра, Ислом Каримов энг кўп — сал кам 90 фоиз овоз олгани маълум бўлди. Сайловчиларнинг Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаши Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш, иқтисодиётни ривожлантириш ва халқ фаровонлигини янада юксалтиришга доир масалаларни амалга оширишнинг муҳим кафолати эканини тўғри англаб етганидан далолатдир.

* * *

**Виталий ВИДЯПИН, Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси ректори:**

— Ўзбекистонда Президент сайлови демократик тамойиллар асосида ўтгани кўплаб россияликлар қатори мени ҳам қувонтирди. Сайлов — халқнинг хоҳиш-иродаси, эзгу орзу-умидларининг ифодасидир. Миллионлаб сайловчилар иштирокида, уч юзга яқин халқаро кузатувчилар назорати остида ўтган бу йирик сиёсий тадбир ўзбек халқи тарихидаги муҳим воқеалар қаторидан жой олади.

Президентликка номзодлар орасида сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳидан кўрсатилган, шунингдек, аёл кишининг номзоди борлиги сайловнинг муқобиллик ва тенг ҳуқуқлиликка асосланган ҳолда ўтганидан яна бир далилдир. Мен Фарғона вилоятидаги бир қатор сайлов участкалари фаолиятини кўздан кечирдим. Участкаларга келган ҳар бир сайловчи, ёши, касбу кори, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, халқ, Ватан тақдирига бефарқ эмаслигини англаб етдим.

**Тошио ШИШИДО, "Фукушимо-Ўзбекистон" дўстлик жамияти ижрочи директори (Япония):**

— Илгари ҳам Ўзбекистонда ўтказилган сайловларда кузатувчи сифатида иштирок этганман. Ўтган давр мобайнида юртингиз янада гўзаллашиб, шаҳар ва қишлоқларингизнинг чиройига чирой қўшилибди.

Сайлов тизими ҳам анча такомиллашганини кўрдим. Сайловда турли партиялар ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳидан, жами тўрт номзоднинг иштирок этиши сайловчилар учун танлаш имкониятини янада кенгайтирди.

Фуқароларнинг сиёсий дунёқараши, сайлов тўғрисидаги билим ва кўникмалари ошган. Фарғоналик бир қанча сайловчилар билан бевосита суҳбатлашиш асносида бунга тўла амин бўлдим.

* * *

**— Теруэ ОКАДА, Токио университетининг илмий ходими (Япония):**

— Сайлов жараёнини катта иштиёқ билан кузатар эканман, юртингизда ушбу сиёсий тадбирга пухта тайёргарлик кўрилганининг гувоҳи бўлдим. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўп партиявийлик ва алтернатив асосда, жумладан, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи томонидан кўрсатилган номзод иштирокида ўтгани мамлакатда демократия тамойилларига тўла амал қилинаётганидан, сайлов тизими халқаро нормаларга тўла мос келишидан далолатдир.

Сайловолди ташвиқотларининг изчил ўтказилгани ва сайловчиларнинг сайлов жараёнидаги тартиб-қоидалар билан кенг таништирилгани, уларнинг эркин хоҳиш-ирода билдириш ва яширин овоз бериши учун зарур имкониятлар яратди. Бундай шароитни барча давлатда ҳам учратиш қийин. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг тўрталови учун ҳам сайловолди тарғиботида тенг имконият яратилди.

Ўзбекистон фуқаролари ўз конституциявий ҳуқуқларини яхши биладилар. Улар Президент сайловида мана шу ҳуқуқларидан фойдаланиб, ихтиёрий равишда овоз бердилар.

* * *

**Амир Маҳмуд БХАТТИ, «Dayli Pakistan» газетаси мухбири (Покистон):**

— Мен Бухоро вилоятидаги учта сайлов участкасида бўлиб, халқингизнинг мазкур сиёсий жараёндаги иштирокини кузатдим. Сайлов ёпиқ-яширин овоз бериш тартибида ўтди. Бу сайловчиларга ўзи танлаган номзод учун овоз беришига имконият яратадиган энг мақбул усул.

Тадбир жараёнида кўплаб сайловчилар билан суҳбатлашдим. Уларнинг барчаси миллий сайлов қонунчилигини яхши билар экан. Булардан кўриниб турибдики, сайловолди тарғибот-ташвиқот ишлари юқори савияда ташкил этилган. Оммавий ахборот воситалари фаол иш олиб борган.

Дарвоқе, матбуот ходимлари ҳақида гап кетар экан, ўзбекистонлик ҳамкасбларимнинг сайлов жараёнидаги дадил ва фаол саъй-ҳаракатлари менга жуда ёққанини таъкидламоқчиман. Улар сайловга оид барча тадбирларда — Президентликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида, брифингларда, сайлов участкаларида, овоз бериш бюллетенларини санашда фаол иштирок этдилар. Бу мамлакатингизда матбуот эркинлигига кенг йўл очилганини кўрсатади.

Ўзбекистон Президенти сайлови миллий қонунчилик ва халқаро нормаларга тўла амал қилинган ҳолда ўтказилди.

**(ЎзА).**




# КАСБ-ҲУНАР ЎРГАНМОҚДА



*Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун асосида узлуксиз таълим тизими жорий этилган. Ҳозир 9 йиллик умумтаълим мактабини тугаллаган ўқувчилар замонавий коллеж ва академик лицейларда таҳсил олмоқда. Бундай тартиб мамлакатимиздаги махсус мактаб-интернатларга ҳам татбиқ этилди. Эндиликда уларни битирган ёшлар ўқишни махсус коллежларда давом эттириш имконига эга бўлди.*

*Самарқанд туманидаги Гулобод қўрғонида жойлашган вилоят ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежи ана шундай ўқув муассасаларидан бири.*

*– Бугунги кунда коллежимизда вилоятимиздан, сурхондарёлик ва навоийлик 360 нафар имконияти чекланган йигит-қиз бухгалтерия ҳисоби, компьютер технологияси, пойабзал тикиш ва таъмирлаш, радио-телевизор устаси, ганч ўймакорлиги, тикиш-бичиш каби йўналишлар бўйича касб-ҳунар ўрганмоқда, – дейди коллеж директори Гулнора Муҳаммадиева. – Замонавий фан кабинетлари, ўқув лаборатория ва устахоналар, 180 ўринли ётоқхона ҳамда ошхона ўқувчилар ихтиёрида.*

**СУРАТЛАРДА: Самарқанд туманидаги Гулобод қўрғонида жойлашган вилоят ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежи фаолиятидан лавҳалар.**

**Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**

# ҒАМХЎРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ ИФОДАСИ

*Мамлакатимизда истиқлолнинг илк давриданоқ аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жамиятда фуқаролар даромадлари ва фаровонлигини ошириш масаласига катта эътибор қаратилди. Хусусан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами — пенсионерлар, ногиронлар, ёлғиз кексаларнинг аниқ ижтимоий ҳимоясини таъминлашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсат олиб борилаётир. Бу жиҳатдан яқинда матбуотда эълон қилинган "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам катта аҳамият касб этади. Қонунга киритилган ўзгартишларнинг мазмун-моҳияти ҳақида Сенатнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Ҳамротош ШОДИЕВА қуйидагиларни гапириб берди.*

## Қонун кучга кирди

— Дарҳақиқат, ушбу Қонуннинг кучга кириши юртимизда олиб борилаётган аниқ йўналтирилган ижтимоий сиёсат барқарорлигининг яна бир исботидир, — дейди **Ҳамротош Нормуродовна.** — "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги Қонун Президентимизнинг "Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган.

Умуман, шуни таъкидлаш лозимки, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишда пенсионерларга ғамхўрлик қилиш, уларнинг турмуш шароити ва сифатини яхшилаш борасида катта ишлар амалга оширилаётир. Хусусан, пенсия тизимига доир қонунчилик нормалари ва механизмлари тубдан такомиллаштирилмоқда. Пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган меҳнат стажи давомийлигини чеклаш бекор қилинди, қолаверса, 2005 йилдан жамғариб бориладиган пенсия таъминоти йўлга қўйилди. Буларнинг барчаси, табиийки, соҳадаги ислоҳотлар жадал суръатда бораётганидан далолат беради.

**— Қонунга киритилган ўзгартишларнинг асосий мазмун-моҳияти нималарда кўринади?**

— Маълумки, Президентимизнинг юқорида номи зикр этилган Фармонида 2007 йилнинг 1 октябридан эътиборан пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш ҳақининг максимал миқдорини энг кам иш ҳақи миқдорининг етти каррасидан саккиз каррасигача ошириш назарда тутилган. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, мазкур Фармон фақат 1 октябрдан кейин пенсияга чиқадиган фуқароларгагина эмас, балки Фармон чиқишидан олдин пенсияда бўлган фуқароларга ҳам тааллуқли.

Шу боис, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг "Иш стажи учун пенсияларнинг оширилиши" деб номланган 27-моддасига ва "Ўртача ойлик иш ҳақини аниқлашнинг умумий тартиби" деб номланган 31-моддасига пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган иш ҳақи миқдорининг кўпайтирилишини назарда тутадиган ўзгартишлар пенсияга чиққунга қадар нисбатан юқори иш ҳақи олган пенсионерларнинг бир қатор тоифаси учун пенсиялар миқдорини анча кўтаришни қонун даражасида мустаҳкамлаб қўйиш имконини берди. Шунингдек, пенсионерларнинг моддий фаровонлигини оширишга, ижтимоий адолат принципларини мустаҳкамлашга, аҳолининг иқтисодиётни ривожлантириш ва ислоҳ қилишда янада фаолроқ иштирок этишига ёрдам беради.

**— Мана, янги Қонун кучга кирди. Айтинг-чи, маблағларни ажратиш тартиби қандай бўлади?**

— Бу саволингизга Президентимизнинг Фармонига берилган шарҳда аниқ маълумотлар берилган. Хусусан, мазкур талаблар ижросини таъминлаш учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари сарф этилади. Зарур ҳолларда Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан ажратилади. Жумладан, 2007 йилнинг ўзидагина шу мақсадда 20 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди, 2008 йилда эса мазкур миқдор 100 миллиард сўмдан ошиши кутилмоқда.

Бу, албатта, асосий даромадлари пенсия бўлган фуқароларимиз турмушининг янада яхшиланишига замин яратади. Қолаверса, юртимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг изчиллигини, халқчиллигини намоён этади.

**Қобил ХИДИРОВ суҳбатлашди.**

# ИНСОНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

***Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн беш йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори ижросига бағишланган семинар-йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси масъул ходимлари, жазони ижро этиш муассасалари бошқарма ва бўлинмалари раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирликлари, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.***

## Анжуман

Бағрикенглик, кечиримлилик, меҳридарёлик — халқимизга хос фазилат. Эҳтиётсизлик оқибатида ёки ўйламай қилинган ножўя хатти-ҳаракат туфайли жиноят кўчасига кириб қолган, эндиликда қилмишидан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига ўтган шахсларнинг Ватан ва жамият равнақи учун сидқидилдан меҳнат қилишларига имконият яратиб бериш, ҳаётда ўз ўринларини топиб олишларига кўмаклашиш менталитетимизга хос бўлган инсонпарварлик тамойилининг энг ёрқин намунаси, десак янглишмаймиз. Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, ижтимоий адолат ҳамда ижтимоий кўникма тизимини такомиллаштириш, озодликка чиқарилганларнинг жамиятдан ажралиб қолмаслиги, тарбиявий ишларнинг узлуксизлиги бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўз самарасини бераётганлигини алоҳида таъкидладилар. Бу борада келгусида олиб борилиши лозим бўлган вазифалар хусусида фикр алмашув бўлди.

Семинар-йиғилиш қатнашчилари ўз сўзларида амнистия тўғрисидаги қарорнинг моҳияти, унинг олдинги йиллардагидан фарқли жиҳатига алоҳида тўхталдилар. Жумладан, бу йилги амнистияда илк маротаба тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта 10 йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинишини белгилаб қўйилганлиги бағрикенглик ва инсонпарварликнинг яна бир ифодаси сифатида қайд этиб ўтилди.

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

*Навоий шаҳрида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг 2007 йилги фаолияти ҳамда 2008 йил — Ёшлар йилидаги вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.*

# ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА — ЁШЛАР МАСАЛАСИ

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни ҳар тарафлама баркамол этиб тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Навоий вилоятида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилаётир.

Жорий йилда Навоий шаҳри, Томди, Нурота, Қизилтепа туманларида ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш мақсадида "Ёшлар ижтимоий хизматлар маркази" ташкил этилди. Уларда бичиш-тикиш, дурадгорлик, компьютер саводхонлиги, зардўзлик тўгараклари фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, вилоятда тадбиркор ёшлар бошқарадиган олтита фермер хўжалиги ташкил этилди.

Президентимизнинг 2007 йил 18 майда қабул қилинган "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вилоятда қарийб саккиз ярим минг ёш оилага имтиёзли ипотека кредити бериш кўзда тутилмоқда. Ўтган вақт мобайнида имтиёзли ипотека кредитлари бериш учун 225 миллион сўм маблағ ажратилди.

Мажлис қатнашчилари ечимини кутаётган муаммолар, 2008 йилда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар хусусида атрофлича фикрлашдилар.

Йиғилишда Навоий вилояти ҳокими Б. Рўзиев сўзга чиқди.

**Ёрқул УМАР, ЎзА мухбири.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Ракета синови

***Россия сешанба куни РС-24 қитъалараро баллистик ракетасини синовдан ўтказди.***



— Камчатка ярим оролидаги Кура полигонига етиб борган. «Интерфакс» мухбирининг қайд этишича, ушбу ракета биринчи марта шу йилнинг 29 май куни синаб кўрилган эди. Генерал-полковник Николай Соловцов РС-24 уч йилдан кейин мамлакат қуролли кучларидаги РС-18 ва РС-20 ракеталари ўрнини эгаллашини маълум қилди.

Бу ракета самога чиққач, бир неча каллакларга бўлиниб кетади. Ҳарбий мутахассисларнинг таъкидлашича, Плесецк космодромидан учирилган ракета аниқ мўлжалга

## Кўприк қулаб тушди

Непал пойтахти Катмандудан 500 километр узоқликда жойлашгаг Чунчу қишлоғига минглаб одамлар диний байрамга борган эди. Улар Бери дарёси устига қурилган эски осма кўприкдан ўтаётган пайтда, кўприкни ушлаб турган арқоннинг бири узилиб, юзлаб одамлар дарёга қулаб тушди.

«АР» хабарида айтилишича, Бери дарёси жуда тез оқади. Шунинг учун қидирув-қутқарув ишлари осон кечмаяпти. Қутқарувчилар сувдан 6 нафар одамнинг жасадини олиб чиқишди. Гувоҳларнинг таъкидлашича, юзлаб одамлар дарёга чўкиб кетган.

## Қишлоқ аҳли қувончи

Испаниянинг Моделло қишлоғи аҳолиси «El Gordo» Рождество лотереясидан 219 миллион евро ютиб олди. «The Guardian» газетасининг ёзишича, қишлоқда 45 нафар аҳоли истиқомат қилади.

«El Gordo» лотереясининг бошқа лотерея ўйинларидан фарқи шундаки, ютуқ бир йўла бир қишлоқнинг барча аҳолисига чиқади. Ўтган йили 20 нафар аҳоли яшайдиган Реболло де Дуэро қишлоғи аҳли 20 миллион евро ютиб олган эди.

## Хусусий самолёт ҳалокати



Олма-ота аэропортида кеча кечаси Challenger CL60 хусусий йўловчи самолёти портлаб кетди. Шаҳар фавқулодда вазиятлар хизмати вакилининг билдиришича, самолёт Олма-отадан Гонконгга парвоз қилиши керак эди. Учиш пайтида у йўлдан чиқиб кетиб, аэропорт деворига урилган ва портлаб кетган. «Интерфакс» хабарида самолёт йўловчиси ҳалок бўлгани, Германия фуқаролари бўлган икки учувчи ва Туркия фуқароси бўлган стюардесса жароҳат олиб, касалхонага ётқизилгани айтилган.

## Тележурналистлар ҳибсда

Шри-Ланка полицияси мамлакат жанубида Франциянинг «France 24» телеканали журналистларини ва 11 нафар маҳаллий тамилларни ҳибсга олди. Уларга нисбатан қандай айблов қўйилгани ҳозирча номаълум. «Шри-Ланка эркин матбуотни ҳимоя қилиш» ташкилоти вакилининг баёнотида айтилишича, тележурналистлар қамоқдан қайтган тамилларнинг қариндошлари билан учрашувини суратга олган.

Эслатиб ўтамиз, Шри-Ланка ҳукумати 27 йилдан буён «Тамил йўлбарслари» террорчи ташкилоти билан курашиб келади.

## Ҳайвонот боғидаги фожиа



Сан-Франциско шаҳри ҳайвонот боғида сешанба куни кечқурун фожиа юз берди. Қафасдан чиқиб кетган тўртта йўлбарс бир одамни ўлдириб, икки нафар кишини жароҳатлади.

Йўлбарслар қафасдан чиқиб кетган пайтда ҳайвонот боғида жуда кўп одам бор эди. Воқеа жойига етиб келган полициячилар йўлбарслардан бирини отиб ўлдирди, қолганлари қўлга олинди.

## Таъзиядаги қотиллик

Кеча Ироқ шимолида яна террорчилик амалга оширилди. Байди шаҳри полицияси террорчи кетаётган машинани тўхтатган пайтда, у портлатувчи ускунани ишга солди. Натижада 25 нафар одам ҳалок бўлди, 80 нафар киши жароҳатланди.

Кечқурун бошқа бир террорчи АҚШ ҳарбийлари билан отишувда ҳалок бўлган отабо235ланинг дафн маросимида тўрт кишини отиб ўлдирди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# «ЧАВАНДОЗ»

## миллий қадриятларимиз талқин қилинган фильм



Кино

Куни кеча "Киночилар уйи"да "Ўзбеккино" миллий агентлиги буюртмасига биноан, "Ҳасан-фильмс" студияси томонидан суратга олинган янги фильм тақдимоти бўлиб ўтди. Ёш ижодкор Ғафур Шермуҳаммаднинг "Саман той" қиссаси асосида яратилган янги фильм "Чавандоз" номи билан экранга чиқди. Уни режиссёр Ҳамидулла Ҳасанов суратга олган.

Кўнгилдан ўтганини яширишнинг ҳожати йўқ. Очиғи, янгиликни эшитганимизда, энди қайси қўшиқчини кўрарканмиз, деган фикр хаёлимиздан кечганди. Аммо уни томоша қилгач, роллар тажрибали актёрлар ижросида талқин қилинганлигига гувоҳ бўлдик.

"Чавандоз" фильмида ўзбек халқининг миллий спорт ўйинларидан бири саналмиш кўпкари мусобақасининг ўзига хос шиддати, жозибаси, номдор чавандозларнинг ўзаро муносабатлари, уларнинг ўзига хос феълатвори, орзу-умидлари ҳақида ҳикоя қилинади. Асар бош қаҳрамони Тошмурод полвон — моҳир чавандоз бўлса-да, қалби кемтик. Хотини Саодатнинг негадир кўзлари маъюс. Уларнинг ҳар иккиси ҳаётда ниманидир кутиб яшайди. Гап шундаки, бу оилада ота касб — чавандозликни давом эттирувчи ўғил зурриёт йўқ. Эр-хотиннинг кўнгил изтироби шундан. Истеъдодли актёр Боир Холмирзаев ҳамда Юлдуз Ҳамидова талқинидаги бу икки образ драматик бўёқларга, руҳий кечинмаларга бой.

Мазкур кинокартинада яна бир ўзига хос қаҳрамон мавжуд. Чавандозликда ҳеч кимдан қолишмайдиган Бешим полвон (Тоҳир Саидов ижросида)нинг қалбида Тошмуродга нисбатан адоват бор. Бунга сабаб, Тошмурод чавандоз бир пайтлар Бешим орзу қилган қизнинг умр йўлдоши... Фильм воқеалари қаҳрамонлар ўртасидаги зиддиятдан бошланиб, ҳаяжонли воқеалар асосида ривожланиб боради. Асарда миллийлик руҳи, ғурурию ори учун курашга бел боғлаган чавандоз йигитларимизнинг мард ва тантилиги ўз аксини топган. Бу борада тасвирчи маҳорати ҳам фильмга ўзгача жозиба бахш этган.

— Кўпкари ота-боболардан мерос қадриятларимиздан биридир, — дейди фильм режиссёри Ҳамидулла Ҳасанов. — Миллий удумимизни талқин қилувчи ҳужжатли ёки қисқа метражли фильмлар аввал ҳам яратилган. Бироқ, тўлиқ бадиий ечимга эга воқелик ифодаланганлиги билан "Чавандоз" фильми илк маҳсулот ҳисобланади. Киноижодкорлар яхши билишадики, суратга олишда отлар билан ишлаш анча мураккаб жараён. Фильмга қўл уришдан аввал биз бу ҳақда чуқур ўйлаб кўрдик. Чунки асосий саҳналар от билан боғлиқ экан, демак, у сохталикдан холи бўлиши, ҳаммаси табиий чиқиши шарт эди. Маҳоратли чавандозлар кўмагида актёрларимиз бор имкониятларини ишга солиб, ана шу қийинчиликларни енгиб ўтишди. Суратга олиш ишлари баҳор, куз ва қиш ойларида Пайариқ, Қўшработ ҳамда Оҳангарон туманларида олиб борилди. Бу ерларнинг бетакрор табиати, гўзал манзаралари фильмга янада кўрк бағишлади.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, "Чавандоз" фильмининг адабий сценарийси ўтган йили "Ўзбеккино" миллий агентлигининг "Истиқлол ва миллий кино" мавзусидаги адабий сценарийлар танлови ғолиблари қаторидан жой олганди. Албатта, "Чавандоз"ни биз мукаммал кино асари дея кўкларга кўтаришдан йироқмиз. Унда ҳам жузъий камчиликлар йўқ эмас. Бироқ, фильмда асосий эътибор халқимизнинг миллий қадриятлари, ўзига хос табиати ҳамда инсоний фазилатларини намоён этишга қаратилгани, шубҳасиз, унинг қизиқарлилиги ва савиясини оширишга хизмат қилади.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




*«Экосан»:*

# БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

***Навоий кон-металлургия комбинатининг пойтахтимиздаги Бизнес марказида "Экосан" халқаро ташкилоти фаолларининг "2007 йилнинг экологик якунлари ва "Экосан"нинг 2008 йил – Ёшлар йилидаги вазифалари" мавзуида йиғилиши бўлиб ўтди.***

Сарҳисоб

Таъкидландики, мазкур ташкилот томонидан жорий йилда атроф-муҳит ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, экологик муаммолар ечимига қаратилган бир қатор дастур ва лойиҳалар амалга оширилди. Бундан ташқари, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг санитария- гигиена ва экологик маданиятни шакллантириш мақсадида тадбирлар ўтказилди. Айниқса, гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш вазифаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, "Экосан" ташаббусига кўра ўн йилдан буён ўтказиб келинаётган "Экология ва саломатлик кунлари" тадбирлари жорий йилда ҳам давом эттирилиб, республикамиз вилоятларига 21 та «Саломатлик поезди» жўнатилди. Улар орқали ижтимоий соҳа объектлари, кам таъминланган оилалар ҳамда ногиронларга 1 миллиард 2 миллион сўмлик инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатилди.

Йиғилишда "Экосан"нинг Ёшлар йилидаги вазифалари ва мақсадли дастури муҳокама этилди. Йиғилганларга янги йилда амалга ошириладиган бир қатор лойиҳалар ҳақида атрофлича маълумот берилди. Шунингдек, "Экосан" барқарор ривожланиш йўлида 15 йил" деб номланган китобнинг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

**С. РАҲМОНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

**Давлат, хусусий ҳамда мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**«ПАСПОРТ-ВИЗА»**
**АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН АХБОРОТ ТИЗИМЛАР МАЖМУАСИНИНГ ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИНИ ЯРАТИШ ҲАМДА ТАТБИҚ ЭТИШ БЎЙИЧА**

**ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

***Манзил: 100027, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 49-«А» уй.***
***Тендер таклифлари 2008 йил 5 январь соат 9.00 дан 2008 йил 5 февраль соат 17.00 гача қабул қилинади.***

Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш бўйича ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзилга ёки қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (3712) 132-62-62, 132-65-01, 139-77-10. Факс: 8 10 998 (3712) 132-66-01.
E-mail: uvviog_mvd@intal.uz






***Ҳукуматимиз мамлакатимизда макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорлашув даражаси мустаҳкамланишига катта эътибор бермоқда. Маълумки, ялпи ички маҳсулот ҳажмини ошириш, ташқи савдо балансини мустаҳкамлаш, инфляция суръатини пасайтириш, миллий валютани конвертациялаш каби кўрсаткичлар макроиқтисодий барқарорликнинг асосидир.***

# КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

***Уларни қўллаб-қувватлаш, аҳолига молиявий мадад бериш — «Асака» банки фаолиятининг устувор йўналишларидан биридир.***

Шу билан бирга, республикада аҳоли бандлик даражасини яхшилаш масалаларини ҳал қилиш, унинг даромадларини ошириш орқали фаровонлигини таъминлаш вазифалари ҳам муҳим йўналишлар ҳисобланади. Бу борада, шубҳасиз, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Ана шу хўжалик юритувчи субъектлар сонини кўпайтириш, уларнинг молиявий-иқтисодий аҳволини яхшилаш республикамизда фаолият юритаётган тижорат банкларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Бугун бу йўналишда «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки жамоаси амалга ошираётган ишлар хусусида ҳикоя қилмоқчимиз.

Ҳозирги кунда «Асака» банки тизимида жами 27 та филиал, 85 та минибанк мавжуд. Улар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган кредитларнинг муддатини ундан фойдаланиш мақсадига мослаштирилган ҳолда белгилашмоқда. Кредит маблағлари эса, асосан, маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашёни харид қилишга, фермер ва деҳқон хўжаликларининг моддий-техника базасини шакллантириш учун эҳтиёт ва бутловчи қисмларни, шунингдек, турли хил минитехнологиялар ва ихчам ускуналарни сотиб олишга, маҳаллий хом ашё негизида маҳсулот ишлаб чиқариш ва маиший хизмат турларини ривожлантириш бўйича мавжуд лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

Мисол учун, 2007 йилнинг ўтган даври мобайнида банк томонидан жами 68,5 млрд. сўмдан зиёд миқдорда кредит маблағлари ажратилиб, кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлик ҳамда аҳолининг молиявий талаблари сезиларли даражада қондирилишига эришилди.

**Молия муассасаларида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 августдаги 348-сонли қарорига асосан эса, банк томонидан Осиё Тараққиёт банки



кредит линияси маблағлари ҳисобидан «Кичик ва микромолиялаштиришни ривожлантириш» лойиҳаси ҳам амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳа бўйича «Асака» банки ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўртасида «қайта кредитлаш келишуви» имзоланган бўлиб, унга кўра, 6,5 млн.АҚШ доллари эквивалентида лойиҳаларни молиялаш белгиланган. Жорий йилнинг ўн бир ойи давомида банк томонидан 258 та лойиҳани молиялаштириш учун 4,0 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Шундан ОТБ маблағлари 2,2 млрд.сўм (1,8 млн. АҚШ доллари)ни ташкил этди.

Банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қўллаб-қувватланиши натижасида қўшимча 3600 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони талабларини бажариш мақсадида эса, тадбиркор аёллар томонидан таклиф этилган лойиҳаларни молиялаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали уларнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги мавқеини кўтариш учун банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан турли хил шартларда жами 42,9 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарорига мувофиқ, шунингдек, давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш харажатларини молиялаштиришга ҳам катта эътибор берилмоқда. Жумладан, фермерларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, банк филиаллари томонидан уларга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги жамғарма маблағлари ҳисобидан 2007 йилда пахта етиштириш учун 8,1 млрд.сўм ва ғалла етиштириш учун 403,3 млн. сўм, жами 8,5 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. Айни чоғда банк томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Микромолиялаш тўғрисида»ги Қонуни талабларига асосан, барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан жами 1,3 млрд. сўм миқдорида микрокредитлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларидаги чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ эса, жорий йилда уларга четдан наслли қорамоллар сотиб олиш учун барча молиялаш манбалари ҳисобидан 1,4 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди.

Шу билан бирга, «Асака» банки томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмол кредити тўғрисида»ги ҳамда «Ипотека тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони талабларидан келиб чиққан ҳолда, аҳолини, хусусан, ёш оилаларни молиявий қўллаб-қувватлаш ишлари изчил амалга оширилмоқда. Чунончи, 2007 йилнинг ўтган даври давомида 561 та оилага 18,0 млрд. сўмдан зиёд ипотека кредитлари, жумладан, 404 та ёш оилага 12,4 млрд. сўм миқдорида узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди.

Аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш ва уларнинг турли хил уй жиҳозлари ҳамда бошқа истеъмол товарларига бўлган талабини қондириш мақсадида эса банк томонидан жами 5,3 млрд. сўм миқдорида истеъмол кредитлари берилди.

Давлат акциядорлик тижорат «Асака» банки жамоаси 2008 йил — Ёшлар йилида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, аҳолини, шу жумладан, ёшлар ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича ишларини изчил олиб бораверади.

**Давлат акциядорлик тижорат «Асака» банки Матбуот хизмати.**




## ҚУВАДА ЯНГИ КУТУБХОНА

**Маънавият**

Фарғона вилоятининг Қува шаҳрида китоблар марказининг ишга туширилиши айни муддао бўлди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси қошидаги «Шарқ зиёкори» очиқ акционерлик жамияти камарбасталик қилган янги масканнинг очилишида қатнашганлар китобнинг инсоният ҳаётида тутган ўрнини алоҳида таъкидлашди.

Ёруғ заллардаги пештахталардан матбаачиларнинг сўнгги йиллардаги туҳфалари, 12 жилдли Ўзбек миллий энциклопедияси, «Марғилон — 2000», «Самарқанд — 2750», «Хоразм — Маъмун академияси» китоблари, шунингдек, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари ўрин олган.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## МТСнинг иккинчи офиси

**Янги йил арафасида МТС компанияси Тошкент шаҳрида абонентларга хизмат кўрсатиш учун ўзининг иккинчи офиси очилганини маълум қилади.**
**Янги офис шаҳар марказида, Амир Темур кўчаси, 24-уйда («Олой» бозори ёнида, «Dedeman» меҳмонхонаси рўпарасида) жойлашган.**



МТС офиси Амир Темур ва Шаҳрисабз кўчалари кесишган жойда тўққиз қаватли бинонинг биринчи қаватида бўлиб, унинг умумий майдони 300 квадрат метрдан зиёдни ташкил этади. Катта ва ёруғ зал МТСнинг Ўзбекистондаги офислари ягона корпоратив услубида безалган. Бу ерда 15 та операторлик иш жойи бор, тўловларни эса бир вақтнинг ўзида 10 тагача касса қабул қилиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси кўп сонли абонентларга кечиктирмасдан, қулай шароитларда хизмат кўрсатиш имкониятини беради.

МТСнинг янги офисида алоқа хизмати учун тўловларни тўлаш ёки экспресс карталарини сотиб олиш билан бирга, МТС тармоғига уланиш, қўшимча хизматларни ёқиш, шунингдек, абонентларга хизмат кўрсатиш бўйича исталган масалаларни ҳал қилиш мумкин.



# САРМОЯЛАР — БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИГА

***Мамлакатимизда кейинги йилларда изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, бунёдкорлик ишларида банклар ўзига хос ўринни эгалламоқда. Республикамизнинг ҳар томонлама шаклланган банк тизими ўз фаолиятини жаҳоннинг илғор банклари тамойиллари ва анъаналари асосида ташкил этишга ҳаракат қилаяпти. Шу тариқа, банклар мижозларнинг ишончини қозона бориб, намунали хизматлари билан аҳоли манфаатдорлигини оширмоқда. «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» тамойили амалиётда ўз самарасини кўрсатмоқда.***

Бундай фаоллашув жараёнининг иштирокчилари қаторига «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ҳам киритиш жоиз. Негаки, бугунги кунда ушбу молиявий муассаса томонидан олиб борилаётган тадбирлар мижозлар учун кўп тарафлама қулайлик яратмоқда. Айниқса, банкнинг жойлардаги саъй-ҳаракатлари боис чекка-чекка қишлоқларда янгидан-янги иш ўринлари пайдо бўлаяпти. Банк микросармояларидан аниқ мақсадлар йўлида унумли фойдаланиш натижасида аҳолининг тадбиркорлик салоҳияти ортиши баробарида, унинг турмуш даражаси ҳам юксалмоқда. Муҳими, ёшларнинг ишбилармонлик қобилияти юзага чиқаяпти. Хусусан, Андижонда банкнинг вилоят бошқармаси кичик сармояларидан фойдаланаётган ишбилармон ёки кичик бизнес вакилларини кўплаб учратиш мумкин.

Шулардан бири Андижон шаҳрининг учинчи даҳасида истиқомат қилувчи — Зулхумор Тўраева. Зулхумор асли бухоролик. Тақдир тақозоси билан у Андижонга келин бўлиб тушган. Ёшлигидан Бухоронинг машҳур зардўзлик сирларини мукаммал ўрганган, чеварликнинг ҳадисини олган эмасми, у бу ерда ҳам севимли ҳунарини давом эттирди. Ҳеч қанча вақт ўтмай, у тиккан чопону дўппилар, кийим-кечагу ҳар хил совғабоп маҳсулотлар эл орасида тилга туша бошлади. Уларни тўю ҳашамларга сотиб олувчилар кўпайди.

Шундан сўнг Зулхумор оила аъзолари, учинчи даҳа фуқаролар йиғини фаоллари билан маслаҳатлашиб, ишни кенгайтиришга қарор қилди. Ўн нафар хотин-қизни шогирдликка олди. Уларга ишбай тартибида маош тайинлади. Натижада тадбиркор ташкил этган корхонада тайёрланаётган маҳсулот тури тез орада элликтага етди. Бундан ташқари, у Андижон вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар бошқармаси билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Мана шу ҳамкорлик туфайли жорий йилда Бўз туманидаги тиббиёт коллежига 3 миллион сўмлик, педагогика коллежига 850 минг сўмлик, Марҳамат туманидаги қишлоқ хўжалиги коллежига 730 минг сўмлик парда тикиб, жалюзи тайёрлаб берилди.

Зулхумор Тўраева корхона ишини янада ривожлантириш мақсадида шу йилнинг ноябрь ойида ёш оила сифатида «Микрокредитбанк» АТБнинг вилоят бошқармасидан 900 000 сўмлик кредит олди. Бу маблағга учта дастгоҳ ва иккита тикув машинаси харид қилди. Нияти — янги йилдан иш кўламини кенгайтириб, яна қирқ нафарга яқин ёшларни иш билан таъминлаш.

Маълумки, 2007 йил 18 майда Президентимиз «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонни имзолади. Ҳаётга эндигина қадам қўяётган оилаларга кўмаклашиш, кичик бизнес субъектлари кўламини кенгайтиришни ўзининг муҳим вазифаларидан бири деб билган «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг Андижон вилояти филиали бу ҳаётий муҳим Фармон талабларини бажаришга астойдил киришди. Яъни, банкнинг имтиёзли, атиги йиллик беш фоиздан иборат бўлган, энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваридан 200 баробаригача миқдордаги микрокредитлари, биринчи навбатда, ёш оилаларнинг тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйишлари учун ажратила бошлади. Айниқса, маҳалла гузарлари қошида ёш оилалар ташкил этаётган кичик қандолатчилик, гилам тўқиш цехлари ва новвойхоналар имтиёзли микрокредитлар билан таъминланмоқда. Берилаётган истеъмол кредитларидан эса юзлаб оилалар баҳраманд бўлишаётир. Шу мақсадларга ҳозирга қадар жами 65 миллион 790 минг 900 сўм ажратилгани бунинг тасдиғидир.

Президентимизнинг шу йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳам банк фаолиятига янгича жонланиш бағишлади. Чунки тадбиркорлик, хусусан, кичик бизнес соҳасининг биринчи асосий йўналиши товар ва турли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўлса, иккинчи йўналиши аҳолига маиший ва сервис хизматлари кўрсатиш ҳисобланади. Шу боис, қисқа вақт мобайнида Андижон вилоятининг турли ҳудудларида автомобилларга хизмат кўрсатадиган замонавий устахоналар пайдо бўлди. Жумладан, «Янгиободлик Носиржон» хусусий фирмаси 5 миллион сўмлик микросармоя эвазига автомобилларга техник хизмат кўрсатадиган шохобча ташкил этди. Банк мижози Аслиддин Мамаюсупов эса Балиқчи туманида шундай хизматни йўлга қўйди. Ажратилган 6 миллион сўмлик микросармоя туфайли устахона тезда ишга тушиб, аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

**Банк тизими**



Жорий йилнинг иккинчи ярмида Андижон вилоятидаги аҳоли пунктларида микросармоялар эвазига 50 дан ортиқ сартарошхоналар ҳамда пойабзал тикадиган ва уни таъмирлайдиган устахоналар ҳам ишга туширилди. Бундай устахоналар учун зарур бўладиган жиҳозлар тўплами тайёр ҳолда хизмат кўрсатувчиларга етказилиб берилди.

Бундан ташқари, вилоятда кўпгина янги фотостудиялар, гўзаллик салонлари, қандолатчилик ва мебель ишлаб чиқариш цехлари очилди. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида банк сармоялари туфайли 540 та янги иш ўрни яратилди. Ана шу тадбиркорлик ишлари учун «Микрокредитбанк»нинг Андижон вилояти филиали томонидан қарийб бир миллиард сўм миқдорида микросармоялар ажратилди.

«Микрокредитбанк», шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳаси учун ҳам катта миқдорда сармоялар ажратмоқда. Чунончи, Бўз туманидаги Одинахон Рўзиева раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги ҳам «Микрокредитбанк» мижози бўлиб, бу жамоа йигирма беш гектар ерда пахта ва ғалла етиштиради. Табиийки, деҳқончиликда техникага эҳтиёж катта. Шунинг учун фермер банкнинг 3 миллион сўм миқдоридаги кредити эвазига «Т-28» русумли трактор сотиб олди.

— Жорий йилнинг ўн ойи мобайнида фермер хўжаликларига жами 300 миллион сўмликдан ортиқ микролизинг хизмати кўрсатиб, бунинг эвазига янги техника ва технологиялар харид қилинди, — дейди «Микрокредитбанк» АТБ Андижон вилояти бошқармаси бошлиғи Дилшод Сатторов. — Хусусан, «Минитехинвестлизинг» ОАЖ билан имзоланган шартномаларга биноан, фермерларга 69 миллион 950 минг сўмлик «ТТЗ-80-100» русумли тракторлар, 19 миллион 300 минг сўмлик минитракторлар, 47 миллион 770 минг сўмлик культиватор ва бошқа кўплаб техникалар етказиб берилди. Бу кўрсаткич ўтган йилдагига нисбатан уч баробар кўпдир.

«Микрокредитбанк» АТБ Андижон вилояти бошқармаси фаолияти самарали эканлигини унинг жорий йил декабрь ойигача бўлган кўрсаткичлари ҳам далиллайди. Яъни, бошқарма томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга ажратилган кредитлар миқдори 927,5 миллион сўмдан ошиб кетди.

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, бу субъектларга мунтазам равишда микросармоялар ажратиб, иш ўринлари ташкил этиш билан бирга, аҳолига барча турдаги замонавий банк хизматларини ҳам кўрсатиб келмоқда. Мисол учун, аҳоли бўш пул маблағларини банкка жалб этиш мақсадида ҳар бирининг ўзига хос қулайликлари ва имтиёзлари бўлган 21 турдаги омонат ташкил қилинган. Уларнинг орасида йиллик 24 фоиз даромад келтирадиган «Нурафшон» ва «Мафтункор», 20 фоиз даромад келтирадиган «Меҳрибонлик», «Мададкор», «Камалак» ва «Хотира» сингари омонатлар мавжуд. Аҳоли омонатлари қолдиғи ҳозирга қадар 1007,2 миллион сўмга етди.

***Банкнинг пластик карточкалари ҳам электрон ҳамён сифатида кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда. Йирик савдо шохобчалари ва бошқа савдо ташкилотларига ўрнатилган терминаллар сони 58 тадан ортгани, пластик карточкалар орқали амалга ошириладиган ва йилига 20 фоиз даромад келтирадиган «Хазина-карт» омонати кўпчилик мижозларга манзур бўлаётгани шундан далолат беради.***

***«Микрокредитбанк» АТБ Андижон вилояти бошқармаси айни кунларда ўзининг 7 та филиали, 18 та минибанки орқали жисмоний ва юридик шахсларга намунали ҳамда манфаатли хизмат кўрсатмоқда. Бу борада амалга оширилаётган хайрли ишлар туфайли унинг мижозлари сони кундан-кун ортиб бормоқда. Банк сармоялари эса бунёдкорлик ва тараққиёт йўлига йўналтирилаяпти.***

**Рашид РАУПОВ.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ
ХАЛҚ БАНКИ

мамлакатимизнинг барча
фуқароларини яқинлашиб келаётган

Янги — 2008 йил —

Ёшлар йили билан
самимий муборакбод этади!

Янги йилда сиз, азизларга соғлиқ, оилангизга
бахт-саодат, хонадонингизга шоду
хуррамлик, дастурхонингизга қут-барака тилайди.

Юртимизда осойишталик, оилангизда фаровонлик доимо ҳукмрон бўлсин, дея тилак билдирган ҳолда, банкнинг
«ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ»
истеъмол кредитидан фойдаланишни тавсия этади.

Бунда сиз миллий ҳунармандчилик ва касаначилик билан шуғулланиш, уй-жой (ҳовли) ёки квартираларни таъмирлаш, дори-дармонлар сотиб олиш ҳамда даволаниш, республикамизда ишлаб чиқарилаётган ва узоқ муддат фойдаланиладиган уй-рўзғор буюмларини харид қилиш, оилангиз эҳтиёжларини қондириш мақсадида иссиқхона ташкил этиш, чорва моллари ва паррандаларни сотиб олиш ҳамда оилангиз фаровонлигини янада яхшилашга қаратилган бошқа имконият ва қулайликларга эга бўласиз.

Хизматлар лицензияланган

ОИЛАНГИЗ БАНКИ ХИЗМАТЛАРИ
ЭВАЗИГА ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНГИЗНИ ОШИРИНГ!

LOK Kolor SINTEZ
QO'SHMA KORXONASI

ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALAR BO'YICHA
LAK-BO'YOQ MAHSULOTLARINI
ISHLAB CHIQARUVCHI

Butun O'zbekiston xalqini
va poytaxt mehmonlarini
KIRIB KELAYOTGAN
YANGI — 2008 YIL BILAN
tabriklaydi!

Baxt-saodat, sihat-salomatlik va barcha
orzularingiz amalga oshishini tilaymiz!

O'zbekiston, 100005, Toshkent sh., «Farg'ona yo'li» k., 13/22.
Tel.: (998 71) 291-47-41, 291-80-94. Faks: (998 71) 291-74-63.
E-mail: lokcolor_uz@mail.ru www.lokkolor.uz

«Олмалиқ тоғ-металлургия
комбинати» ОАЖ

Ўзбекистон халқини кириб келаётган

Янги — 2008 йил билан

табриклайди,
сиҳат-саломатлик,
бахт-саодат, тинчлик
ва осойишталик тилайди!

19428/1287

# «Крокус Газ Сервис» ҚК

**«Газдевайс» ЁАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:**

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари *(200 кВт ва 400 кВт);*
- буғ қозонлари *(соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);*
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари *(100 кВт ва 200 кВт);*
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар *(7 кВт дан 16 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар *(20 кВт дан 100 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар *(10 кВт дан 40 кВт гача).*

***Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.***
***Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.***

**Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:**
1. **Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, саноат моллари қаторида жойлашган 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.**
2. **Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесишган жойда (Мўлжал: Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.**

1504Н/1823

# «KAFOLAT RIELT» МЧЖ

**2008 йил 15, 22, 29 январь кунлари соат 12.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида очиқ аукцион савдоларини ўтказади.**
**Аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**

«PASTA KAMOLA» ҚКнинг тугатиш бошқарувчиси томонидан тақдим этилган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор-26, Заргарлик кўчаси, 2-уйда жойлашган «PASTA KAMOLA» ҚК банкрот корхонасига тегишли, умумий майдони 955,0 кв.м. бўлган бино қисми, «LEVATI» Италия фирмасининг картофель чипсларини тайёрлаш линияси, Италиянинг «IMAFARNI» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган чўзма навли печенье тайёрлаш линияси ва барча товар-моддий бойликлардан ташкил топган мулкий мажмуа.

***Бошланғич баҳоси — 1 026 213 000 сўм.***

Ушбу мулкларни корхонанинг тугатиш бошқарувчиси вакили иштирокида жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар савдо ташкилотчисининг ҳисоб рақамига 10 фоиз миқдорида закалат пули тўлаганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатини тақдим этган ҳолда савдодаги мулкни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

**Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1-уй. Тел.: 138-69-94, 138-69-93.**

1943Н/1245

# РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БУХОРО ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

## БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

www.rkmb.uz

**Республика Кўчмас мулк биржаси томонидан ҳафтанинг расмий иш кунлари республика миқёсида ташкил қилинадиган марказлаштирилган электрон биржа савдоларига синтетик тўшама (палас) ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари (ишлаб чиқарувчилар: Польшанинг «Befama» фирмаси ва Эрон Ислом Республикасининг «Nagshavar» ва «Feruze Yazd» фирмалари) тўплами қуйидаги таркибда чиқарилганлигини билдирамиз:**

- *тола юмшатқичи (кипоразрыхлитель волокна) (Польшанинг «Befama» фирмаси);*
- *жамлагич (накопитель) (Польшанинг «Befama» фирмаси);*
- *«Самовес» ускунаси (Польшанинг «Befama» фирмаси);*
- *узатиш линияси (Польшанинг «Befama» фирмаси);*
- *титиш машинаси (чесальная машина) (Польшанинг «Befama» фирмаси);*
- *жойлаштириш ускунаси, ишлов кенглиги – 3200,0 мм. (Польшанинг «Befama» фирмаси);*
- *нина урувчи дастгоҳ, ишлов кенглиги — 3600,0 мм. («Naghshavar», ЭИР);*
- *нина урувчи дастгоҳ, ишлов кенглиги — 3600,0 мм. («Naghshavar», ЭИР);*
- *нақш ясовчи дастгоҳ, ишлов кенглиги — 3600,0 мм. («Naghshavar», ЭИР);*
- *елимлаш-қуритиш ускунаси, олтита газ узатиш агрегати, вентиляция (ҳаво алмашинуви тизими), узатиш линиялари ва жамлагич (накопитель)лар билан бир тўпламда, шунингдек, автоматик кесиш мосламаси, ишлов кенглиги – 3600,0 мм. («Feruze Yazd», ЭИР).*

***Асбоб-ускуналар тўпламининг умумий бошланғич баҳоси — 557 000 000 сўм.***

**Изоҳ:** савдоларда ушбу асбоб-ускуналар тўпламига нисбатан харид қилиш истагида бир нечта харидор томонидан қизиқиш билдирилган ҳолда, мазкур марказлаштирилган электрон биржа савдоларида аукцион ҳолати қайд этилиб, нархлар эркин шаклланишини билдирамиз. Қўшимча маълумотлар учун Республика Кўчмас мулк биржаси Бухоро вилояти филиалига мурожаат қилиш мумкин.

**Манзил: РКМБ Бухоро вилояти филиали, Бухоро ш., Мустақиллик к., 10-уй, Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси биноси, 4-қават. Телефонлар: (365) 223-71-36, 223-71-30.**

1954Н/2041

**Давлат лицензияси серияси: DB 001, рақами 000004.**

«Gamma-Elektro»

ОРГАНИЗАЦИЯ РЕАЛИЗУЕТ СО СКЛАДА В ТАШКЕНТЕ И НА ЗАКАЗ:

**КАБЕЛЬ**
**СИЛОВОЙ** АВВГ 2х2, 5 - 4х240 ААШВ; АСБ; 3х95-3х240
**С ИЗОЛЯЦИЕЙ ИЗ СШИТОГО ПОЛИЭТИЛЕНА** от 10 до 110 кВ
**Термоусаживаемые муфты от 1 до 35 кВ - СТп, КВТп, КНТп**
**ВОЛОКОННО-ОПТИЧЕСКИЕ КАБЕЛИ СВЯЗИ** МКСБ, ТЗГ, ТЗАШп, ЗКП

**ЛАМПЫ** (L18W OSRAM, ЛД-20; 40; 80, ДРЛ 125-700, ДНАТ 250; 400)
**СВЕТИЛЬНИКИ** (ЛПО, ЛСП, РСП, РКУ, ПЗМ и т.д.)
**ЭЛЕКТРОДВИГАТЕЛИ**
**СЧЕТЧИКИ ЭЛЕКТРОЭНЕРГИИ** ОДНО- И ТРЕХФАЗНЫЕ, МНОГОТАРИФНЫЕ
**ДИЗЕЛЬ-ЭЛЕКТРОСТАНЦИИ**

Тел./факс: 8 (371) 136-01-54, 133-12-84.
E-mail: gamma-elektro@yandex.ru

1726Н/2142

***Муҳтарам газетхон! Газетамизнинг ушбу сонидаги қўш саҳифа бепул илова қилинмоқда.***

TEXACO

Мамлакатимизнинг мойлаш материаллари бозорида
10 йил мобайнида муваффақиятли фаолият юритиб келаётган

# «ЎЗ-ТЕКСАКО»

**ЎЗБЕКИСТОН — АМЕРИКА ҚЎШМА КОРХОНАСИ**

***республика аҳолисини кириб келаётган Янги — 2008 йил билан чин дилдан табриклайди!***

*Барчага тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик, омад, орзу-ниятлари амалга ошишини тилайди*



**Телефонлар: + 998 71 120-67-76, 144-01-23.**
**http://www.uztexaco.com**

1941Н/2363

**МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА КОРХОНА, ТАШКИЛОТ ВА МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

# ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

2007-2008 ўқув йилида битирувчи бакалавр ва магистрларни йўлланмалар асосида ишга тақсим қилишга киришганлигини маълум қилади. Институт бакалавр ва магистрлари бой назарий билимлардан ташқари, замонавий инновацион ахборот технологиялари билан яқиндан таниш бўлиб, ҳар жиҳатдан рақобатбардош ва замон талабларига жавоб берувчи мутахассислардир. Бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган бакалавр ва магистрларга эҳтиёжи мавжуд бўлган корхона раҳбарлари талабнома ҳамда сўров хати билан **2008 йил 1 февралгача** институт ректоратига мурожаат этишлари мумкин. Талабномада буюртмачининг реквизитлари (почта манзили, телефони) ва таклиф этилаётган лавозим тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ кўрсатилса, мақсадга мувофиқ. Талабнома билан мурожаат этган корхона ва ташкилотлар таклифнома асосида «Битирувчи-2008» тақсимотига таклиф этилади.

Сизнинг эътиборингизга йўналишлар бўйича қуйидаги маълумотларни илова қиламиз.

**Маълумотлар учун телефон: 234-41-39. Тошкент молия институтининг маркетинг хизмати бўлими факси: 234-67-71.**
**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, 100084, Кичик ҳалқа йўли, 7-уй.**

## 2007-2008 ЎҚУВ ЙИЛИДА БИТИРУВЧИ БАКАЛАВРЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

| № | Бакалавр йўналишларининг номи | Жами битирувчилар сони | Шу жумладан, вилоятлар бўйича тақсимот | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Қорақалпоғистон Республикаси | Андижон | Бухоро | Жиззах | Навоий | Наманган | Самарқанд | Сурхондарё | Сирдарё | Тошкент вил. | Фарғона | Хоразм | Қашқадарё | Тошкент шаҳри |
| 1. | Банк иши | 284 | 8 | 4 | 42 | 19 | 11 | 6 | 17 | 5 | 3 | 24 | 23 | 15 | 27 | 80 |
| 2. | Молия | 380 | 10 | 12 | 49 | 12 | 22 | 14 | 33 | 18 | 8 | 21 | 19 | 20 | 37 | 105 |
| 3. | Инвестицияларни молиялаштириш | 40 | 1 | | 5 | 1 | 1 | | 2 | | 1 | 2 | | 1 | 1 | 25 |
| 4. | Солиқлар ва солиққа тортиш | 165 | 2 | 2 | 15 | 8 | 11 | 1 | 5 | 15 | 3 | 10 | 3 | 6 | 9 | 75 |
| 5. | Суғурта иши | 35 | | 2 | 3 | 1 | 1 | | 3 | 4 | | 5 | | 1 | | 15 |
| 6. | Бухгалтерия ҳисоби ва аудит | 218 | 1 | 2 | 33 | 7 | 18 | 1 | 26 | 8 | | 19 | 8 | 9 | 34 | 52 |
| 7. | Менежмент | 32 | | | | | | | | | | 4 | 1 | | 1 | 26 |
| 8. | Статистика | 25 | 1 | | 1 | 1 | | | 1 | 1 | | | 1 | | 1 | 18 |
| 9. | Касб таълими (бухгалтерия ҳисоби ва аудит) | 165 | 2 | 1 | 7 | 6 | 6 | | 3 | 1 | 2 | 9 | 2 | 3 | 15 | 108 |
| | **Жами** | **1344** | **25** | **23** | **155** | **55** | **70** | **22** | **90** | **52** | **17** | **94** | **57** | **55** | **125** | **504** |

## 2007-2008 ЎҚУВ ЙИЛИДА БИТИРУВЧИ МАГИСТРЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

| № | Магистратура мутахассисликларининг номи | Жами битирувчилар сони | Шу жумладан, вилоятлар бўйича тақсимот | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Қорақалпоғистон Республикаси | Андижон | Бухоро | Жиззах | Навоий | Наманган | Самарқанд | Сурхондарё | Сирдарё | Тошкент вил. | Фарғона | Хоразм | Қашқадарё | Тошкент шаҳри |
| 1. | Давлат маблағларини бошқариш | 16 | | 1 | 1 | | | 1 | | | | 2 | | | 2 | 9 |
| 2. | Корхона молияси | 9 | | | | | | | 1 | 1 | | 1 | | | | 6 |
| 3. | Халқаро молия | 7 | | | 1 | | | | 1 | | | | | 1 | | 4 |
| 4. | Молиявий менежмент | 10 | | | | | | | | | | 1 | | | 1 | 8 |
| 5. | Халқаро молия бозорларидаги операциялар | 5 | | | | 2 | | | | | | | | 1 | 1 | 1 |
| 6. | Қимматли қоғозлар ва биржа иши | 13 | | | 1 | 1 | | | | | | 2 | | | 1 | 8 |
| 7. | Кредит | 25 | | | 2 | 2 | | | 4 | | 1 | 2 | 1 | 2 | 1 | 10 |
| 8. | Халқаро валюта-кредит муносабатлари | 15 | | 1 | 2 | 1 | | | 1 | 2 | | | | 1 | 2 | 5 |
| 9. | Банк ва кредит таваккалчилиги | 7 | | | | 2 | 1 | | | | | 1 | | 1 | | 2 |
| 10. | Банк аудити | 8 | | | 5 | | | | | | | 1 | 1 | | | 1 |
| 11. | Банкларда қимматли қоғозлар операцияси | 6 | | | 1 | | | 1 | | | | | | 1 | 1 | 2 |
| 12. | Солиқлар ва солиққа тортиш | 26 | | | 1 | 1 | | | 2 | | | 2 | 1 | 2 | 1 | 16 |
| 13. | Бухгалтерия ҳисоби | 18 | | | 1 | 2 | | | 2 | | | 6 | | 1 | 1 | 5 |
| 14. | Аудит | 24 | | 1 | 3 | | | 1 | | 1 | | 2 | | 2 | 2 | 12 |
| 15. | Капитал қўйилмаларни молиялаштириш ва унинг мониторинги | 6 | 1 | | | | | | | | 1 | | | | | 4 |
| 16. | Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ва унинг комплекс экспертизаси | 4 | 1 | | | | | | | | | | | | | 3 |
| 17. | Инвестиция фаолиятини молиялаштириш | 5 | | | | | | | | | | | | | | 5 |
| 18. | Ташқи иқтисодий фаолият ҳисоби ва таҳлили | 4 | 1 | | | | | 1 | | | | | | 2 | | |
| 19. | Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш | 6 | | | | | | | 1 | | | 1 | | | | 4 |
| 20. | Халқаро банк иши | 6 | | | | | | | | | | | 2 | | | 4 |
| 21. | Иқтисодий таҳлил | 7 | 1 | | | 2 | 1 | | | | | | | 1 | 1 | 1 |
| 22. | Суғуртада андеррайтерлик фаолияти | 4 | | | | | | | 1 | | | | | | | 3 |
| 23. | Суғурта экспертизаси | 3 | | | | | | | | 3 | | | | | | |
| 24. | Кўчмас мулк бозори, баҳолаш ва риелторлик иши | 6 | | | | | | | | | | 1 | | | | 5 |
| 25. | Молия бозорларида банк операциялари | 6 | | | | | | | 1 | 1 | | 1 | | | | 3 |
| | **Жами** | **246** | **4** | **3** | **18** | **13** | **2** | **4** | **14** | **8** | **2** | **23** | **5** | **15** | **14** | **121** |

1949Н/2329

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР САРМОЯДОРЛАР!**
**СОТИБ ОЛИНГ ВА ЭГАЛИК ҚИЛИНГ!**

# РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БУХОРО ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

**нархлари босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Республика Кўчмас мулк биржаси Бухоро вилояти филиали Қоракўл туманидаги «Намунасавдо» СИЧК суд бошқарувчиси билан ҳамкорликда ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Бухоро вилояти хўжалик судининг 2007 йил 14 майдаги 20-0709/1958-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган, Қоракўл туманидаги «Намуна» ишлаб чиқариш кооперативи кредиторлар қўмитасининг 2007 йил 14 декабрдаги 3-сонли йиғилиши баённомаси қарорига асосан, Қоракўл туманида жойлашган «Намунасавдо» савдо ишлаб чиқариш кооперативига қарашли мол-мулклар мулкий мажмуа сифатида қўйилган.

***Бошланғич баҳоси — 240 456 348 (икки юз қирқ миллион тўрт юз эллик олти минг уч юз қирқ саккиз) сўм.***

***Юқоридаги очиқ аукцион савдоларига чиқарилган мол-мулклар мажмуаси қуйидаги шартлар асосида сотилади:***
- *мулкий мажмуадаги мол-мулклар талон-торож қилинмасдан, аксинча реконструкция қилиш ва ишлаб чиқариш йўналишини сақлаб қолган ҳолда замон талабларига мос равишда ривожлантириш;*
- *мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш ва янги иш ўринларини яратиш;*
- *корхонани технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида қўшимча сармоя киритиш;*
- *сотиб олинган мулк учун тўловларни бир ой муддат ичида амалга ошириш.*

*Аукцион савдолари **2008 йилнинг 29 январь куни соат 11.00** да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, РКМБ Бухоро вилояти филиалининг савдолар залида бўлиб ўтади.*

**Иштирокчилар Республика Кўчмас мулк биржаси Бухоро вилояти филиалига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:**
- *аукционда қатнашиш учун ариза;*
- *юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида гувоҳномадан нусха, агар унинг номидан аукционда вакил қатнашса, қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*
- *жисмоний шахслар учун – паспортидан нусха, агар унинг номидан аукционда вакил қатнашса, қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*
- *закалат тўғрисида келишув;*
- *объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулининг аукцион ташкилотчиси қуйидаги **ҳисоб рақами**га: 20210000900571452052, АТИБ «Ипотекабанк»нинг «Сардор» филиали, МФО 00119, СТИР 200933850, ОКОНХ 83300 га тўланганлиги ҳақида тўлов топшириқномаси.*

***Аризаларни қабул қилиш очиқ аукцион савдоси бошланишидан бир соат олдин тўхтатилади.***

**Қўшимча маълумотлар учун манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси Бухоро вилояти бошқармаси биноси, 4-қават). Республика Кўчмас мулк биржаси Бухоро вилояти филиали. Телефонлар: 8 (365) 223-71-30, 223-92-91. Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz.**

***Лицензия: DB 001 № 000004***

***Кўпчилик аудитор хизматини тафтиш, назорат қилиш, деб ҳисоблайди. Аслида «эшитмоқ, билмоқ» маъноларини англатувчи аудиторлик хизмати бундан бир аср аввал Европа давлатларида молия бозорининг таркибий қисми сифатида пайдо бўлиб, асосан, мулкдорлар, акциядорлар манфаатини ҳимоя қилади. Дарҳақиқат, мамлакатимиз молия бозорида ҳам у бозор иқтисодиёти шароитида пайдо бўлиб, секин-аста иқтисодий ҳаётда ўз ўрнини топа бошлади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳамдўстлик мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.***

▼ Қарор ва ижро

# САМАРАДОРЛИКНИ АУДИТОР КАФОЛАТЛАЙДИ



Мана, шунга ҳам 15 йилдан ошди. Биргина Фарғона вилоятининг ўзида ўтган йиллар мобайнида 50 дан зиёд аудиторлик хизмати кўрсатиш ваколатига эга бўлган ташкилотлар тузилиб, фаолият юритмоқда. Тўғри, уларнинг баъзилари бозор иқтисодиёти қонунларига жавоб беролмай, ўз-ўзидан фаолиятини тўхтатди. Сабаби, шу йилнинг апрель ойида Президентимизнинг «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида»ги қарори эълон қилингандан сўнг уларга қўйилаётган талаблар, бу соҳадаги хизмат турларини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, уларнинг капиталлашув даражасини янада ошириш борасидаги ишлар аниқ кўрсатиб берилди.

Мазкур қарорга биноан, хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини ўтказувчи аудиторлик ташкилотлари энг кам ойлик иш ҳақининг 5 минг баробари миқдоридан кам бўлмаган устав капиталига ва штатида камида 6 нафар аудиторга эга бўлиши шартлиги қайд этилди. Афсуски, Фарғона вилоятида фаолият кўрсатаётган аудиторлик ташкилотларининг аксарияти бундай талабга жавоб бера олмади. Шу боис, Фарғона шаҳридаги «Himoya-audit» ва «Muhosib-audit» ташкилотлари бирлашиб, унинг аудиторлари сафига «Мулкдор-аудит» фирмасининг ходимлари ҳам қўшилишди. Шуниси эътиборга лойиқки, янги «Himoya-audit» масъулияти чекланган жамияти ўзининг илк фаолиятини Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчасидаги 225-уйда, таъсисчилар улуши ҳисобига қурилган икки қаватли замонавий муҳташам бинода бошлади.

— Бозор иқтисодиёти шароитида иш юритаётган тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини йўлга қўйиш, айниқса, бизнес самарадорлигини тўғри йўналтиришда аудит хизматининг роли катта, — дейди жамият раҳбари, халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлган мутахассис Ботирали Ҳамралиев. — Чунки биз фақат тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига ҳисоб берибгина қолмай, йўл қўйилаётган молиявий хато ва камчиликларни ўз вақтида аниқлаб, уларни бартараф этиш йўлларини кўрсатамиз. Хулоса ва тавсияларимиз сармояларни тўғри сарфлаш, уни истиқболли лойиҳаларга йўналтиришга хизмат қилади. Бундан ташқари, биз бевосита дунё молия бозоридаги ўзгаришларни ўрганиб, таҳлил қилиб бориш хизматини ҳам ташкил этганмиз. Бу мониторинг хизмати, биринчи навбатда, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий иқтисодиёти таҳлили ва ишончлилигини тасдиқлаш, хўжалик фаолияти самарадорлигини реал ва ҳаққоний баҳолаш, мулкдорлар, акциядорлар, инвесторлар, кредиторлар ва бошқа молиявий иқтисодиётдан фойдаланувчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича амалий таклифлар киритишни ўзининг асосий вазифаларидан, деб билади.



Чиндан ҳам, бугун масъулияти чекланган бу жамиятни нафақат Фарғона вилояти, балки юртимизнинг бошқа шаҳар ва туманларидаги тадбиркорлик субъектлари ҳам яхши билишади. Мисол учун, республикамиз қурилиш саноатининг байроқдори — «Қизилқумцемент» очиқ акциядорлик жамияти фарғоналик аудиторларнинг доимий мижозларидан ҳисобланади. «Фарғона ёғ-мой» қўшма корхонаси, «Риштон пахта тозалаш заводи», «Қува дон маҳсулотлари» очиқ акциядорлик жамиятлари, «Фарғона тола базаси» масъулияти чекланган жамияти билан ўзаро ишонч, ўзаро ҳурмат асосида ҳамкорлик қилиб келиняпти.

«Himoya-audit» масъулияти чекланган жамияти аудиторларининг ҳар бири, аввало, ҳалоллик, холислик, касбий лаёқат, одоб, махфийлик ва эркинлик тамойилларига, аудиторлик этикасига қатъий риоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Аудиторлик текшируви ўтказишга оид шартнома тузишда буюртмачига аудиторларнинг малака сертификати, лицензияси, соҳада неча йилдан бери хизмат қилаётганлиги тўғрисида маълумотлар, албатта, тақдим этилади. Чунки, айрим сохта аудиторларнинг сифатсиз ёки ғаразли хизматлари баъзи корхоналарнинг молиявий аҳволига салбий таъсир кўрсатганлиги, мулкдорларга нотўғри маълумотлар тақдим қилинганлиги сир эмас. Шунинг учун бу жамиятда ана шундай ҳолатларнинг юз бермаслигига алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, «Фарғона газ аппарати» корхонасидаги текширув якуни бўйича тайёрланган ҳисоботда молия-хўжалик фаолиятида учраган камчиликлар батафсил кўрсатилганлиги, уларни бартараф этиш юзасидан амалий таклифлар берилганлиги бугунги кунда ўз самарасини беряпти.

Масъулияти чекланган жамият дунёдаги номдор, молия бозорида ўз мавқеи ва ҳурматига эга бўлган ташкилотлар билан бевосита алоқа боғлаб турибди. Халқаро сертификатга эга бўлган бухгалтер ва аудиторларнинг Олма-ота шаҳрида жойлашган халқаро кенгаши, халқаро стандартлар ва молия ҳисоботи уюшмаси, халқаро КЭП лойиҳалари билан алоқалар ўрнатилган. Ҳозир жамиятнинг янги биносидаги замонавий электрон почта орқали бу ташкилотлар билан бевосита боғланиш, маслаҳатлар олиш, халқаро молия бозоридаги янгиликлар билан танишиш мумкин. Яқинда жамиятнинг раҳбари Ботирали Ҳамралиев ва аудитор Валерий Тиманов ана шу нуфузли халқаро ташкилотларда тажриба ошириб қайтдилар. Уларга КЭП лойиҳаси бўйича халқаро бухгалтер сертификати берилди.

— Биз мазкур аудиторлик ташкилоти билан бир неча йилдан бери ҳамкорлик қилиб келаяпмиз, — дейди «Фарғона иссиқлик электр маркази» очиқ акциядорлик жамияти бош бухгалтери Эътиборхон Турсунова. — Аудиторлар фақат бизнинг молия-хўжалик фаолиятимизни таҳлил қилиб, хулоса берибгина қолмай, балки йўл қўйилаётган молиявий хато ва камчиликларни ҳам аниқлаб, уларни бартараф этиш йўлларини кўрсатиб беришяпти. Биз бундан беҳад мамнунмиз.

— Қўшма корхонамиз акцияларининг маълум бир қисми Германиянинг машҳур «Саламандер» фирмасига тегишли, — дейди «Ўзсаламан» қўшма корхонаси бош директори Қодиржон Солиев. — Шу боис, табиийки, улар халқаро аудиторлар хизматидан фойдаланишни таклиф қилишарди. Лекин ҳамкорларимиз мазкур жамият аудиторларининг хулосалари, ҳисоботларидан тўлиқ қониқиш ҳосил қилганликлари учун ҳам, унинг хизматига ишонч билдиришяпти.

Дарҳақиқат, «Himoya-audit» масъулияти чекланган жамияти мамлакатимиз молия бозорида ўз ўрнини топишга ҳаракат қиляпти. Бунда жамиятнинг 2 нафар халқаро бухгалтерия сертификати ҳамда 5 нафар юқори малака сертификатига эга аудиторларининг хизмати катта. Улар асосий эътиборни хўжалик юритиш субъектларига молиявий кўмак кўрсатиб, биринчи навбатда, бизнес самарадорлигини оширишга, мулкдорлар манфаатини ҳимоя қилишга қаратмоқдалар.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ҲАМКОРБАНК
АКЦИЯДОРЛИК - ТИЖОРАТ БАНКИ

*барча юртдошларимизни*

ЯНГИ — 2008 ЙИЛ

*билан самимий муборакбод этади!*

*Сизларга тинчлик-хотиржамлик, оилангизга фаровон ҳаёт, ишларингизга омад тилайди.*

**Янги йилда сизларга қулай ва манфаатли имкониятлар яратган ҳолда, хорижий валютадаги йиллик 12 фоизли «УНИВЕРСАЛ» ва «ТАҚДИМ ЭТУВЧИГА» ҳамда сўмдаги «ИШОНЧ» омонатларини, микрокредит, ипотека ва истеъмол кредитларини таклиф этади.**

*Янги — 2008 йил барчангизга муборак бўлсин!*
*«Ҳамкорбанк» билан Янги йил орзулари сари!*

Хизматлар лицензияланган

1958Н/2376

## МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ЭЪЛОН

### ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

**қуйидаги эълон қилинган тендерлар бўйича тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2008 йил 14 январгача узайтирилганлигини маълум қилади:**

- ***«Қўқон спирт» ОАЖнинг 47% акциялар пакетини*** *8 159 000 (саккиз миллион бир юз эллик тўққиз минг) АҚШ долларидан кам бўлмаган бошланғич нарх бўйича ва корхонанинг инвестицион талаби 3 000 000 (уч миллион) АҚШ долларини ташкил этади.*

«Қўқон спирт» ОАЖ Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида жойлашган. Корхона 1983 йилда минерал ўғитлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилиб қурилган бўлиб, 1991 йилдан этил ичимлик спирти ишлаб чиқаришга қайта ихтисослаштирилган. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати йилига 2,4 миллион декалитрни ташкил этиб, республикада этил спиртини ишлаб чиқарувчи энг йирик корхона ҳисобланади.

- ***«Ўзбекистон шампани» ОАЖнинг 51% акциялар пакетини*** *2 318 000 (икки миллион уч юз ўн саккиз минг) АҚШ долларидан кам бўлмаган бошланғич нарх бўйича ва корхонанинг инвестицион мажбуриятлари 1 200 000 (бир миллион икки юз минг) АҚШ долларини ташкил этади.*

«Ўзбекистон шампани» ОАЖ Тошкент шаҳрида жойлашган. Корхона 1942 йилда ишга туширилган.

Корхонанинг асосий фаолият тури — шампань ва бошқа турли газланган вино маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда вино маҳсулотларини қайта ишлашдир.

Юқорида келтирилган акциялар пакетларига энг юқори нархни таклиф этган ва инвестицион мажбуриятларнинг энг юқори ҳажмини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган компания устунликка эга бўлади.

Тендерда иштирок этиш истагидаги сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Ушбу ҳолда информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифи шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганликни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

**«Қўқон спирт» ОАЖ бўйича тендер ҳужжатларининг нархи 2 000 (икки минг) АҚШ долларини ва «Ўзбекистон шампани» ОАЖ бўйича 500 (беш юз) АҚШ долларини ташкил этади. Ушбу тўлов қуйидаги банк ҳисоб рақамларига ўтказилиши лозим:**

*- валюта ҳисоб рақами 20 203 840 500 600 289 001;*
*- ҳисоб рақами 20 203 000 600 600 289 001,*
*«Ипак йўли» акционерлик-инновация тижорат банкининг амалиёт бўлими бошқармаси, 100135,*
*Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 12-«А» уй.*
*ИНН 201122696, МФО 00444, S.W.I.F.T. код: INIPUZ22.*

Илгари тендерда қатнашган ва тендер таклифини тақдим этган инвесторлар ўз таклифларини кучда қолдириш ёки ўрнига янги таклифларини ҳеч қандай қўшимча тўловсиз қуйида келтирилган муддатгача тақдим этиш имкониятига эгалар.

**Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2008 йил 14 январь куни Тошкент вақти билан соат 12.00 да тугайди.**

**Тендер таклифларини очиш 2008 йил 14 январь куни Тошкент вақти билан соат 15.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қават) бўлиб ўтади.**

**Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиш маросимида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.**

**Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:**

**Давлат мулки қўмитаси ишчи органи:**
**Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси, Ўзбекистон Республикаси,**
**100003, Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитаси биноси, 17-қават.**
**Бош директор Фозилжонов Эркинжон Собиржон ўғли эътиборига.**
**Телефон: +998 (71) 139-22-51. Факс: +998 (71) 139-22-79. Эл. почта: ccpbuz@tps.uz**

1958-1Н/2322

## NOTIFICATION ON PROLONGATION OF TENDER DEADLINE

### STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF THE STATE PROPERTY TO THE FOREIGN INVESTORS

**hereby announces on prolongation of the deadline for receiving Bids till January 14, 2008 of the previously announced tenders for sale of:**

- ***47% shares packages of JSC "Kokand spiritis"*** *with starting bidding price not less than* ***8 159 000*** *(eight million one hundred fifty nine thousand) US dollars and investments requirements* ***3 000 000*** *(three million) US dollars.*

**JSC *"Kokand spiritis"*** is situated in Kukon city, Fergana region. The enterprise was constructed in 1983 with orientation to produce mineral fertilizers. Since 1991, the enterprise has changed its type of activity and has been producing ethyl alcohol. Production capacity of the enterprise is 2.4 million decalitres per year. Presently it is the largest producer of ethyl alcohol in Uzbekistan.

- ***51% shares packages of JSC "Uzbekiston shampani"*** *with starting bidding price not less than* ***2 318 000*** *(two million three hundred eighteen thousand) US Dollars and investments obligations* ***1 200 000*** *(one million two hundred thousand) US dollars.*

JSC "Uzbekiston shampani" is situated in Tashkent city and was established in 1942. The main type of activity of the enterprise is manufacturing champagne and other various types of sparkling wine products, as well as processing of wine materials.

The preference will be given to the tender participant ready to offer the highest bid for the abovementioned shares of the Companies and undertake the highest amount of investment obligations based on investment requirements of the enterprises.

Investors interested in participating in the Tender must first submit a properly completed Application for participation and Confidentiality Statement. In that case the Tender Documentation package including Information Memorandum, Tender Rules, Bid Form can be obtained upon presenting to Case – by – Case Privatization Bureau the filled in and signed Application and Confidentiality Statement along with the copy of the document confirming the payment effected.

The price of the package of bidding documents on JSC "Kokand spiritis" constitutes 2 000 (two thousand) US dollars, and on JSC «Uzbekiston shampani» constitutes 500 (five hundred) US dollars which are to be transferred to the account stated below.

*Foreign currency account number: №20 203 840 500 600 289 001 or*
*Current account number: № 20 203 000 600 600 289 001 in the Joint-stock Innovational-commercial Bank «Ipak-Yoli», TIN: 201122696, bank code 00444, 12-A, Farhadskaya str., 100135, Tashkent.S.W.I.F.T. code: INIPUZ22*

The investors that have participated in the tender and have submitted their Bids earlier have the right to keep their Bids in force or to submit new ones instead without any additional payment before the deadlines indicated below.

**The Bid submission deadline expires at 12 a.m. Tashkent time on January 14, 2008.**

**Opening of the packages with Tender Bids will be held in the Meeting Hall of the State Property Committee of the Republic of Uzbekistan (5th floor) at 3 p.m. Tashkent time on January 14, 2008.**

**Tender participants or their authorized representatives, which have submitted Tender Bids in accordance with established procedure, have the right to participate at the opening of the packages with Tender Bids.**

**For all issues related to the tender, please contact:**
**CCPB, Case-by-Case Privatization Bureau State Property Committee Bldg., 17th Floor**
**Uzbekistan Ave., 55, 100003 Tashkent, Uzbekistan**
**Attention: Mr. Erkinjon S. Foziljonov Director General**
**Telephone: +998 (71) 139 22 51 Fax: +998 (71) 139 22 79**
**E-mail: ccpbuz@tps.uz**

1958-2Н/2322

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси вазирлик ходими **Камолитдин Тоджимуратович ТЎРАЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» акциядорлик лизинг компанияси жамоаси «Ўзкейс-трактор» ва «Ўзкейсмаш» Ўзбекистон — Америка қўшма корхоналари бош директори Саидаббос Сайдаминовга падари бузруквори **Саидакмал САЙДАМИНОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Тошкент Кимё-технология институти жамоаси Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Муҳаббат Обидовага турмуш ўртоғи **Ботир ХЎЖАЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

●Спорт ● Sport ●Спорт ● Sport ●Спорт



## «Қизилқум»да янги мураббий

*Россиялик мутахассис Владимир Пачко Зарафшоннинг "Қизилқум" жамоасига бош мураббий этиб тайинланди. Бу ҳақда ЎФФ матбуот хизмати хабар тарқатди.*

*49 ёшли мутахассис Москванинг "Красная Пресня" жамоаси мураббийлар штабида ишлаган. Ўтган мавсум маълум муддат Ғузорнинг "Шўртан" жамоаси таркибида фаолият кўрсатган эди.*

*Эслатиб ўтамиз, "Қизилқум" футболчилари жорий йилги мавсумни 7-ўрин билан якунлади.*




***"Спорт" газетаси ташаббуси билан шу соҳада фаолият кўрсатадиган журналистлар ўртасида анъанавий тарзда "Йилнинг энг яхши спортчиси, мураббийи, жамоаси" номинациялари бўйича сўровнома ўтказиб келинади.***

## РУСЛАН ЧАГАЕВ — ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ СПОРТЧИСИ



Унинг навбатдагисида матбуот, телевидение ва радиода ишлайдиган 61 нафар журналист иштирок этди. Уларнинг 51 нафари жорий йилнинг 14 апрелида Германиянинг Штутгарт шаҳрида профессионал бокснинг ўта оғир вазни — WBA (Бутунжаҳон бокс ассоциацияси) йўналиши бўйича жаҳон чемпионлиги учун ўтказилган жангда россиялик Николай Валуевни мағлубиятга учратган ҳамюртимиз Руслан Чагаевни "Йилнинг энг яхши спортчиси" номинациясига муносиб деб топишди.

"Энг яхши мураббий" номинацияси футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоасининг Осиё чемпионати баҳсларида мазмунли ўйин намойиш этишида муносиб ҳисса қўшган ва яқинда ОФК томонидан 2007 йилда "Осиёнинг энг яхши мураббийи" деб кўрсатилган Рауф Инилеевга насиб этди.

"Энг яхши жамоа" номинацияси яқинда Туркиянинг Анталия шаҳрида футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида ўтказилган 7-жаҳон чемпионатида дунёнинг машҳур Бразилия, Эрон, Туркия, Украина ва Россия каби терма жамоаларини мағлубиятга учратиб, шоҳсупадан жой олган Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасига берилди.

Шунингдек, "Йилнинг энг яхши спорт ҳомийси" номинацияси бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




«DESK INVEST» МАҲСУЛОТЛАРИ ЕМИРИЛИШ ВА ТАШҚИ МУҲИТ ТАЪСИРИДАН ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЛАНГАН.

Финляндия ускуналари ва Европа технологияси маҳсулотимизнинг **КАМИДА 50 ЙИЛ** хизмат қилишини кафолатлайди.

**БИЗ ҚУЙИДАГИ МАҲСУЛОТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРАМИЗ:**

- 0,5 мм. қалинликдаги юқори сифатли металл черепица;
- 0,5-0,7 мм. қалинликдаги рухланган металл профнастил;
- 1,5-30 мм. қалинликдаги қора металл прокати (листовой черный прокат).

Улар доимо сотувда мавжуд.

Манзилимиз: Тошкент ш., З. Шамсуддинова к., 45-уй. Телефон (998-71) 283-06-56. Факс (998-71) 290-54-50, (998-93) 388-01-27.

1859Н/2280




## МТСдан янги йил таклифи!

### "Янги йил рақамлари"

Дўстларингиз билан тунда **БЕПУЛ** мулоқот қилинг!

"Янги йил рақамлари"ни ўрнатиш:
***111*881*<халқаро кўринишда телефон рақами>#**
Масалан, 1030909 рақамли Тошкент шаҳри абоненти учун: *111*881*998971030909#

### "Янги йил SMS ва MMSлари"

Шанба ва якшанба кунлари **БЕПУЛ** SMS ва MMSлар!

Хизматни ёқиш: *111*991#

Эслатма:
**Янги йил рақамлари:**
– хизматни улаш – $1 (автоматик равишда биринчи рақам ўрнатилганда)
– "Уздунробита" рақамларидан 10 та янги йил рақамларига қўнғироқлар
– ҳар куни 00:00 дан 06:00 гача бўлган қўнғироқлар
**Янги йил SMS ва MMSлари:**
– хизматни улаш – $1
– "Уздунробита" ХКси тармоғи ичида барча SMS ва MMSлар
Акция 01.12.2007 й. дан 01.07.2008 й. гача амал қилади.

**Кириб келаётган Янги – 2008 йил билан!**

Хизматлар лицензияланган.
Ўзбекистон Республикасида хизматлар "Уздунробита" компанияси томонидан тақдим этилади.
Тўловлар сўмда ЎзР МБнинг курси бўйича амалга оширилади.
Нархларга барча солиқлар киритилган.

0890, (+998 97) 130 09 09
www.mts.uz / wap.mts.uz
МТС

1927Н/2222

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1157. 23787 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.50 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5 6 8